УзССР Давлат китоб палатаси
№ 230496
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатдан ўтказилган

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 17 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 27 (6724)

Даъват

Инсонда доим турадургон ҳусн ва латофат ҳаё ила иффатдур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур.

ИБН СИНО

Ибрат

Бука туманидаги 8-мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси Усмон Жураев ташаббуси билан туманда «Иқтидор» жамғармаси ташкил этилди. II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган ушбу мураббий мукофот пулини «Иқтидор» жамғармасига ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам дипломатия миссияларининг бошлиқлари,

Халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари,

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари,

Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан яна учрашиб турганимдан, сизлар бундай мунтазам учрашувлар анъанасини қўллаб-қувватлаётганингиздан хурсандман.

Сизлар Узбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини диққат билан кузатиб турибсиз, демак, ҳукумат мажлисларидаги, ваколатли органлар депутатлари ҳузуридаги сўнгги нутқларимдан хабардорсиз.

Анъанага мувофиқ, Узбекистон Республикаси халқаро алоқаларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши хусусида фикрларимни баён қилишга ижозат бергайсиз.

Шу йилнинг бошланишида, январь ойида Россия Президенти Б. Ельцин билан учрашувимизда Узбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик муносабатлари муҳокама қилинди.

Шу йилнинг февралида ташқи ишлар вазири Е. Примаков расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалалар, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Февраль ойида мамлакатимизнинг катта делегацияси Давосда ҳар йили ўтадиган жаҳон иқтисодий анжуманида тўртинчи марта иштирок этди. Унда иштирок этиш анжуман аҳлини Узбекистон ва унинг салоҳияти билан таништиришда, хориждан сармояларни жалб этишда катта аҳамиятга эга. Давосдаги бу галги учрашувда ҳам шундай бўлди.

Швейцарияда давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро молия ташкилотларининг, йирик банклар ва компаниялар-нинг раҳбарлари билан бир неча бор учрашдик.

Давосда Европа Ҳамжамияти комиссиясининг комиссари Ханс Ван Ден Брук билан қилган суҳбатимиз яқинда Узбекистон диёрида давом этди. Европа Иттифоқининг Европа Ҳамжамияти комиссиясининг ташқи сиёсий алоқалари билан шуғулланувчи раҳбарларидан бирининг ташрифини мен Европа Иттифоқи Узбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганининг, ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлашга тайёрлигининг далили деб биламан.

Февраль ойида Европа Иттифоқи кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Узбекистон билан музокара бошлашга қарор қилди. Музокаранинг биринчи босқичи март ойида Брюсселда муваффақиятли ўтди. Апрелнинг охиригача битим матни тасдиқланади ва шу ярим йилликда имзоланади деб, умид қиламиз.

Бу ҳужжат ҳамкорликнинг бутунлай янги босқичини бошлаб беради, Узбекистон билан Европа Иттифоқи ҳамда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этади.

Бу битим Узбекистоннинг халқаро савдо ташкилотига қўшилиш учун тайёргарлигини тезлаштиради, фақат иқтисодий, илмий-техника, маданий алоқалар учунгина кенг имкониятлар яратибгина қолмай, Европа Иттифоқи билан мунтазам сиёсий мулоқот учун ташкилий замин яратади, деб умид қиламиз.

Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик икки томонлама асосда ҳам ривожланмоқда.

Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик ишлари вазири М. Рифкиднинг ташрифи чоғида Узбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бош котиби Б. Дюфурк билан суҳбат савдо-иқтисодий, маданий соҳаларда бўлгани каби, сиёсий соҳаларда ҳам, мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Осиё мамлакатлари билан ҳам алоқаларимиз кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Узбекистон-Япония муносабатлари юксалиб бормоқда. Бу ҳамкорлик ижтимоий соҳа, Узбекистон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларига Японияннинг катта сармоялар киритиши билангина чекланиб қолмайди.

Сўнгги вақтда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда — хавфсиз ва барқарор тинчликка эришишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида ўзининг манфаатдорлик билан фаол иштирок этишини кўрсатди.

Март ойининг охирида Узбекистон Республикаси делегацияси Вьетнамга расмий ташриф буюрди. Биз бу мамлакат раҳбарияти билан маҳаллий ва халқаро муаммоларни, сармоялардан тортиб туризмгача бўлган турли соҳаларда ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилдик.

Узаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини таъминлайдиган бир қанча муҳим ҳужжатларни имзоладик.

Сайёрамизнинг турли томонларида Узбекистоннинг ишончли ва манфаатдор шериклари мавжудлиги мени қувонтиради. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда. Бугун эса яна бир мамлакат — Бангладеш Тошкентда элчихона очиш истагини билдирганини сизларга айтиш менга мамнуният бағишлайди.

Хонимлар ва жаноблар,

Америка Қўшма Штатлари билан икки томонлама муносабатларимиз давлатлараро алоқаларнинг энг муҳим йўналишларида изчиллик билан ва мунтазам ривожланиб бормоқда.

МДҲ мамлакатларида АҚШ сиёсатининг бош мувофиқлаштирувчиси Ж. Коллинз иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган сўнгги Узбекистон-Америка сиёсий маслаҳатлашувларида 1996 йил аввало минтақа хавфсизлиги

(Давоми 2-бетда)



Болалигим — баҳорим.

Р. ГАЛИЕВ сурат-лавҳаси.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТАКОМИЛИ ЙЎЛИДА

Бухоро шаҳрида Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институи ҳамкорликда уюштирган «Республика педагогика ўқишлари» бўлиб ўтди. Ибн Сино номидаги маданият саройидаги анжуманнинг очилиш маросимида Узбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов, Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмоновлар иштирокчиларни табриклаб, ушбу ўқишлар халқ таълими тизимида ёркин из қолдиражагини изҳор этишди.

Сўнг халқ таълими вазири, педагогика фанлари доктори Ж. Йўлдошевнинг «Бозор иқтисодиёти шароитида таълимнинг асосий йўналишлари», республика Истеъдод маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Б. Қодировнинг «Республикада истеъдодли ёшларни аниқлаш ва улар билан ишлаш масалалари» мавзуидаги марузалари тингланди.

Педагогик ўқишлар қатнашчилари болаларни мактабга тайёрлаш, давлат ва ҳуқуқ асослари, мактабда меҳнат дарси, одобнома, мусиқа, адабиёт каби жами 30 шўъбада 420 та маърузаларни тинглаб, муҳокама қилишди.

Республика педагогик ўқишларининг якуний ялпи мажлисига. Унга Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи муовини Й. Саиджонов раислик қилди. Унда республикамизнинг турли бурчакларида келган фидойи ўқитувчилар сўзга чиқишди. Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ўз номига тушган саволларга жавоб берди. Шундан сўнг педагогик ўқишларга ўзларининг маърузалари билан қатнашган ўқитувчи ва раҳбар ходимларни тақдирлаш ҳақида вазирнинг буйруғи ўқиб эшиттирилди ҳамда мукофотлар топширилди.

Бухорода бўлиб ўтган Узбекистон Республикаси педагогик ўқишлари ҳақида батафсил маълумотлар билан газетамизнинг келгуси сонида танишасиз.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» мухбири.

ҚУВОНЧЛИ ХАБАР

Яқинда БМТнинг ЮНЕСКО бўлими томонидан Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 21-ўрта мактабнинг директори Баҳодир Розиқов номига хушхабар келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Биз Сизнинг ўқув масканингизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият бўлими қошидаги Бирлашган Мактаблар Таркибига аъзо бўлганлигини хабар қилишдан мамнунмиз.

Сиз тез кунда ЮНЕСКОнинг Миллий ишлар билан шуғулланувчи ташкилоти ёки мамлакатингизнинг Бирлашган Мактаблар Миллий мувофиқлаштирувчисидан билим даргоҳингизнинг Бирлашган Мактаблар Таркибига аъзолигига шаҳодат берувчи ЮНЕСКОнинг Бош директори томонидан таслиқланган Гувоҳномани қабул қиласиз.

Мен Бирлашган Мактаблар Таркибига тааллуқли мазкур ҳужжатни юборяпман...

Биз Сизнинг таълим масканингизнинг Бирлашган Мактаблар Таркиби қатнашчилари орасида ҳисоблашимиздан жуда мамнунмиз. Шахсан мен Сизнинг таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик фаолиятингизга катта ютуқлар тилаш учун имконият туғилганидан хурсандман...

**Сизга ҳурмат билан
Кэйса САВАЛАЙНЕН
Инсонпарварлик, Маданият ва Халқаро Маориф бўлими директори».**

***

Ҳурматли Баҳодир Розиқович!

Биз ҳам Сизни ва Сиз орқали бутун мактаб жамоасини бу катта муваффақият билан муборакбод этамиз.

Олижаноб эзгу ишларингизда Сизларга омад ва ютуқлар доимо ёр бўлишини истаб қоламиз.

ТАҲРИРИЯТ.

НИҚОБДАГИ «БИРЛАШИШ»

Мунасабат

Биз муаллимлар, ҳур ва озод мамлакатда яшаётганлигимиз учун ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

Президентимиз Ислом Каримов яқинда ЎзА мухбирлари билан суҳбатда жаҳондаги барча давлатлар билан ҳамкорлик йўлларини муфассал баён этиб берди. Ҳар қандай бирлашиш халқ розилиги билан ихтиёрий асосда ва ўзаро фойдали равишда бўлиши керак. Ҳаётнинг барча соҳаларида интеграция жараёни — давр тақозоси. Биронта давлат ҳам ёлғиз ўзи ҳал қила олмайдиган улкан иқтисодий, экологик муаммоларни ҳал этиш учун куч-ғайрат ва имкониятларни бирлаштириш тўғрисида гап борадиган бўлса — бундай интеграция шубҳасиз, албатта зарур, деди.

Мен 32 йилдирки, география фанидан дарс бераман. Ҳар бир дарсимда истиқлолимизнинг умрбоқийлиги ва илмий жиҳатдан асосланганлигини, унинг давр синовларидан зафар билан ўтаётганлигини таъкидлайман. Бизнинг йўлимиз истиқлол йўлидир, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш йўлидир. Унга хавф соладиган ниқобдаги «бирлашиш»ларни биз рад этаверамиз. Шунинг учун юртбошимизнинг олиб бораётган доно сиёсатини тўла маъқуллаймиз.

**Каримжон ЭРГАШЕВ,
Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги
25-ўрта мактаб ўқитувчиси,
Ўзбекистон
халқ маорифи аълочиси.**

ВАТАН ИШҚИДА ЁНИБ...

Мақсад сари дадил илдамлаётган карвонни мажбурлаб, ёинки алдаш йўли билан ортга қайтариб бўладими? ! Албатта, йўқ! Сабаб: у ўз йўлига, кўзлаган мақсадига, қолаверса, эзгу ниятига эга. У ана шу йўлдан ўз тараққиётини излаб олга бораверади. Карвон фақаттина йўлдаги айрим қароқчилар — биров ҳисобидан кун кўрувчи текинхўрлардан, йўлнинг пасту баландидан сабот билан ўтиб олса бас, марра уники.

Тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олган, келажак сари шаҳдам қадам ташлаётган Узбекистон ҳар қандай туҳмату бўҳтонларга ўз вақтида керагича зарба бера олади. Куни кеча Узбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувида сўзлаган нутқида бу нарсани яққол кўришимиз мумкин.

Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университетида Президентимизнинг ана шу нутқига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда университет профессор — ўқитувчилари ва талабалар жамоаси қатнашди. Мажлисни университет ректори вазифасини бажарувчи, академик Турабек Долимов бошқарди. Сўзга чиққанлар «Узбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, профессор А. Азизхонов, Сиёсатшунослик кафедраси мудири, профессор Ғ. Шоюсупова, иқтисод факультети талабаси, Навоий стипендияси совриндори А. Абировлар халқимизнинг 130 йиллик машъум тузум даври бугуни ва келажаги ҳақида батафсил тўхталиб, истиқлолнинг нақадар буюк неъмат эканлигини, уни мустаҳкамлаш йўлида ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини таъкидлашди.

Мухбиримиз.

МАКТАБДА САРТАРОШХОНА

Тадбиркорлар

Бундан беш-олти йил илгари Паст Дарғом туманидаги 66-таянч мактаби директори Наврўз Норқобилов мактабида оҳак цехи очибди, дейишса уни капиталистдан олиб, монополистга солишарди. Негаки, ўша даврларда мулкка, қолаверса, Ватанга бўлган муносабатда мавҳумлик ҳукмрон эди. Ҳозир борган сайин «Ҳамма нарса — ҳамманики» деган тушунча ўрнини «меники» эгаллаётган бир замон. Ҳар биримизнинг юртимиз ривожи учун қўшаётган ҳиссамиз ҳисоб-китоби яққолроқ кўзга ташланаётган бир пайт. Бу эса барча қатори таълим муассасалари бошлиқларини ҳам «ақл бовар қилмайдиган иш»ларни қилишга ундамоқда. Уларнинг бири хўжаликдан ер олиб, ҳосил етиштирмоқда, иккинчиси ҳатто ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Эсимда, бир вақтлари мактабимиз ҳовлисида бемалол уч-тўрт туп ўрик дарахти жойлашадиган кенг майдонда гулзор бўларди. Унга эринмасдан турли гуллардан экилиб, Ленин номи ёзиларди. Сўнгги йилларда ўша ернинг жўяги тўғриланиб, помидор экиладиган бўлибди. Демоқчиманки, ҳар бир қарич ер ўз эгасини топмоқда.

— Директор бўлганимга уч йил бўлди, — дейди Наврўз ака. — Замона зайли билан келганимданоқ мактабни озгина бўлса-да, молиявий мустақил қилиш режасини тўздик. Имкониятларимизни чамалаб кўриб, қурбимиз етадиган ишга қўл уришни маъқул топдик. Қоровулимиз ўғли биболан асосий ишни бўйнига олди. Тоғдан тош олиб келишга ишчилар ёлладик. Шу-шу, мана, кўриб турганингиздек, оҳак цехини ишга туширдик. Бошида қўшни мактаблар харидоримиз бўлишди. Кейинчалик қолганларидан, ҳатто хўжаликлардан ҳам буюртма туша бошлади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўзига яраша бўлганлиги боис биринчи галда мактаблар эҳтиёжи қондирилмоқда. Тушаётган фойдани банкдаги ўз ҳисоб рақамимизга туширамиз.

Н. Норқобиловнинг бу камтарона ҳикоясидан иш хамирдан қил суғургандек кечгандай туюлса-да, тошни талқонга айлантиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг ортида қанчалик заҳмат, меҳнат яширин. Энг муҳими эса ниятнинг эзгулиги. Бу йўлда бошланган ҳар бир иш ўз маҳсулини бергандаги лаззати билан тотли. Ҳозирда оҳак эвазига келаётган даромад мактаб моддий қувватига қувват, ўқитувчиларнинг таълим беришга, ўқувчиларнинг илм олишга рағбатини оширишда кўмак бўлаяпти. Ўтган йилги ҳисоб-китобларга қараганда, туман мактабларига 90 минг сўмлик оҳак етказиб берилган. Мактаб таъмири учун 3000 сўм ва 1,5 тонна оҳак сарфланган. Ўқитувчиларга керагида моддий ёрдам қилиш билан бирга 50 килодан оҳак ҳам берилган. 1350 сўм эса аълочиларга стипендия сифатида тарқатилган. Ночор оилалар ўқувчиларига дафтар, ручка бепул улашилган. 4800 сўм маиший хизматга, яъни мактаб қошида ташкил этилган сартарошхонага ажратилган. У ерда ўқитувчилар, ўқувчилар бепул ораста бўлишади.

Биз биргина таълимдаги тадбиркорнинг имкон даражасида давлат ажратаётган маблағдан ташқари қўшимча даромад манбаи топганлиги ҳақида ҳикоя қилдик. Республикамизда мактабини, мактабим деб, уни қалбининг бир бурчига айлантирган директорлар анчамунча. Ажабмаски, вақти келиб ишонч билан илдамлаётган тараққиётимизнинг бир нуқтасида бу каби ишлар хусусий мактабларнинг вужудга келишидаги илк қадамлар сифатида баҳоланса.

Абдусамат РАҲИМ.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 21-24 апрель кунлари Франция Республикасига расмий ташриф буюради.

❀ Саудия Арабистони Подшоҳлиги пойтахти Ар-Риёд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби арабча нашри тақдимномаси бўлиб ўтди. Китоб Байрутдаги «Шарикат ал-матбуот лит тавзиъ ван нашр» нашриёти томонидан чоп этилган.

❀ Ўтган куни апрель-май ойларига мўлжалланган Чеченистондан Россиянинг федерал қўшинларини олиб чиқиб кетиш жараёнининг илк босқичи бошланди. Мамлакатнинг тинч ҳудудларидан қўшинлар маъмурий чегарага олиб чиқилмоқда.

❀ Эрон ядро, бактериологик ҳамда химиявий босқин эҳтимолини назарда тутиб, ўз армиясини унга тайёрлаш мақсадида Форс кўрфазида ҳарбий ўқув-машқлари ўтказмоқда.

❀ Полиция бўлинмалари томонидан Токио маркази эрталабданоқ қуршаб олинди. Бу беҳаловатлиликка АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Японияга ташрифи сабаб бўлди.

❀ Болгария пойтахтидаги Миллий маданият саройи ҳам полициячилардан иборат жипс ҳалқага олинди. Бу ерда 50 мамлакат бошлиқлари, вазирлари, халқаро иқтисодий ташкилотлар бошлиқлари иштирокида Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқаруви Кенгашининг ҳар йилги мажлиси бўлиб ўтмоқда.

МММ — ХАБАРЛАРИ

АНДИЖОНДА БИРИНЧИ

Андижон шаҳридаги Тантаналар саройида вилоят шаҳар ва туманларига қарашли боғча тарбиячиларининг Наврўз таомларини тайёрлаш бўйича кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Марҳамат тумани халқ таълими бўлимига қарашли боғча тарбиячилари 1-ўринни қўлга киритди. Ушбу омад соҳибларига вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан рангли телевизор совға қилинди.

«ЙИГИТЛАР СУЛТОНИ» КИМ?

Кегайли туманидаги 9-сон Жамбул номли ўрта мактабда ўзига хос янги беллашув, яъни «Йигитлар султони» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қизиқарли саволларга жавоб бериш, мақоллар айтиш, мушоира, қўл ҳунари, ёшларга фотиҳа бериш каби шартларни қойиллата билган 11-синф ўқувчиси Б. Узоқбергенов «Йигитлар султони» деб топилди .

МАДАД ГУРУҲИ

Зафаробод туманидаги Ал-Хоразмий номли 9-ўрта мактабда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Мактаб директори Гулнора Норматованинг ташаббуси билан мактаб жойлашган ҳудуд атрофида яшовчи кекса, қаровчиси йўқ нафақахўрлар ҳафтанинг ҳар икки кунида хўжалик ишларида ёрдам бериш учун юқори синф ўқувчиларидан иборат гуруҳ тузилди.

ШОҲСУПАДА ФАҚАТ ҚИЗЛАР

Самарқанддаги хотин-қизлар педагогика билим юртида Узбекистон Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 173-қарорига асосан билим юртларида ва мактабларда иқтидорли болаларни ва талабаларни танлаш ҳамда уларни рағбатлантириш бўйича минтақавий фан олимпиадалари бўлиб ўтди. Ушбу олимпиада натижасига кўра Самарқанд хотин-қизлар педагогика билим юрти қизлари — С. Юсупова, Х. Бурхоновалар 1-ўринни, Қарши педагогика билим юртининг толибаси Ф. Файзуллаева 2-ўринни, Шаҳрисабз педагогика билим юртининг толибаси Г. Умарова 3-ўринни эгаллади. Ғолиблар вазирликнинг махсус фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

«ЎҚИТУВЧИ-96»

Марҳамат туманида муаллимларнинг навбатдаги анъанавий «Ўқитувчи-96» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўқитувчининг дарс ўтиш услуби, тест асосида ишлаш, ноқулай педагогик ҳолатдан чиқиб кетиш ва вазиятни мўътадиллаштириш танловнинг асосий шартлари этиб белгиланди.

Танловда 24-ўрта мактабнинг риёзиёт фани муаллимаси Ҳурматой Қорабоева барча шартлар бўйича 172 балл тўплаб, ғолиб бўлди ҳамда туман халқ таълими бўлими, ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

МУАЛЛИФЛАР: Абдурасул ЭРАЛИЕВ, Ғойиб ЁҚУБОВ, Эшмирзо МАҲМУДОВ, Олимжон ҲАЙИТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

соҳасида икки томонлама муносабатларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши лозимлиги таъкидланди.

Америка томони АҚШ Ўзбекистонга нисбатан ўз сиёсатини «хавфсизлиги таъминланган мустақил Ўзбекистон»ни барпо этишни қўллаб-қувватлайдиган тарзда қуришини баён қилди.

Бугун НАТО каби ўзига хос ташкилотда ҳам мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида гапириш мумкин. Биз «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштирок этишни ўз мустақиллигимиз ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан баҳолаймиз.

АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р. Хантернинг мамлакатимизга яқинда қилган ташрифи жаҳон ва минтақа хавфсизлиги муаммолари бўйича фикрларимиз ўхшашлигини яна бир бор намойиш қилди. Узбекистоннинг салоҳиятини минтақадаги барқарорлаштирувчи омил деб ҳисоблаётган АҚШнинг нуқтаи назарига биз тўла қўшиламиз.

Йилнинг бошида қўшни мамлакатлар билан дипломатик мулоқотларимиз янада фаоллашди.

Февраль-март ойларида Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлари Тошкентга ташриф буюрди.

Бу ташрифлар чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалаларидан ташқари, Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятни бартараф этиш билан боғлиқ равишда минтақа хавфсизлиги масалаларини муҳокама қилишга катта эътибор берилди.

Жаҳон ҳамжамияти Афғон можаросини бартараф этиш юзасидан фаолроқ чоралар кўриш зарурлигини тобора кўпроқ англаб етаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Бундай чоралар кўриш тўғрисида мен БМТ Бош Ассамблеясининг 48-, 50-сессияларида гапирган эдим. Европа парламентининг шу йил 18 январдаги резолюцияси ва Европа Иттифоқининг 14 мартдаги баёноти можаро зонасига қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ғоясини қўллаб-қувватлайди.

Яқинда Афғонистон теварагидаги вазият Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўриб чиқилди. Бу ҳол жафокаш Афғонистон диёрида хунрезлик тўхтатилишига, можарони тинч йўл билан бартараф этиш жараёни ҳақиқатда бошланишига умид бахш этади.

Мен бир неча бор таъкидлаганимдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирок этмаса, мулоқот йўли билан можароларни тўхтатишнинг синовдан ўтган механизмларидан фойдаланилмаса, ўзаро мақбул қарорлар, ўзаро ён босишлар ва оқилона муросаю мадора йўллари изланмаса, бу жараён бошланмайди.

Ишончим комилки, бу масалалар Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ташаббуси билан 23 апрелда Тошкентда бошланадиган «Марказий Осиё: Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақа талаблари» симпозиумининг кун тартибида акс этади.

Хонимлар ва жаноблар,

ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина эмас, балки иқтисодий, маданий ҳамкорликни ҳам кўзда тутади. Зеро, ушбу жиҳатлар минтақамиз, қолаверса, бутун сайёрамиз — умумий хонадонимиз тинчлиги ва гуллаб-яшнашида муҳим ўрин эгаллайди.

12 январда Қозоғистоннинг Кўкчатов вилоятида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёда интеграция дастури қандай бажарилаётгани тўғрисида фикрлашиб олинди.

Президент С. Ниёзов таклифига биноан 16 январда менинг Туркманистонга амалий ташрифим амалга ошди. Учрашув чоғида 21 та давлатлараро ва ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Бу битимлар транспорт коммуникацияси ва алоқа, табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, энергетика, банклараро ҳисоб-китоблар, бож тартиби, фан ва маданият каби соҳаларни ўз ичига олади.

Асосий ҳужжат — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида давлатлар-аро шартнома ҳам имзоланди.

5 апрель куни Тошкентда ягона иқтисодий макон барпо этиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош вазирларининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Бош вазирлари транспорт ва коммуникация соҳасида келишилган сиёсат ўтказиш, ёқилғи-энергетика ва сув ресурсларидан, шунингдек, газ қувурларидан фойдаланиш, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний тарзда айланишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш, «Центразэлектрон» трансмиллий молия-саноат гуруҳини тузиш, ернинг давлатлараро ижараси ва бошқа масалалар бўйича ўндан ортиқ ҳужжат имзолашди.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Россия Давлат Думасининг анчагина шов-шувга сабаб бўлган қарор қабул қилгани, Тўртлар (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Белоруссия) шартномаси ҳамда Иккилар (Россия ва Белоруссия) шартномаси имзоланганига ҳам анча бўлиб қолди.

Матбуотимиз саҳифаларида, телевидениеда бугунги кунга қадар бу ҳужжатларни муҳокама қилиш давом этмоқда. Узбекистон аҳолисининг собиқ совет ҳудудидаги «интеграция» деб номланган бу жараёнга муносабати баён қилинмоқда.

Бугун Ўзбекистон раҳбарияти илгари бу жараёнлар ва имзоланган ҳужжатларга нисбатан билдирган муносабатини жамоатчилик ва Узбекистон аҳолисининг мутлақ кўп қисми қўллаб-қувватлаяпти, деб айтишга тўла асосимиз бор.

Мен парламентимиз — Олий Мажлис қўмиталарининг баёнотини, Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотини, Хоразмда сўзлаган нутқимни, Узбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатим ва бошқа воқеаларни ҳам назарда тутяпман.

Шуниси диққатга сазоворки, ижтимоий аҳволидан қатъи назар, турли миллат ва эътиқодга мансуб кишилар бир хил фикр билдирмоқда.

Бу ерда шуни таъкидламоқчиман: собиқ совет ҳудудида интеграция масалалари бўйича юз бераётган воқеалар, шу муносабат билан имзоланган ҳужжатлар — ҳар бир алоҳида давлат ва унинг раҳбарлик тузилмаларининг ҳуқуқи ва ички ишидир.

Ҳар бир давлат ва унинг раҳбарлари энг аввало ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай ҳужжат ва давлатлараро шартномаларни қабул қилиш ва имзолаш ҳуқуқига эга.

Бироқ ҳозир масала мана бундай қўйилган: Узбекистон учун бу шартнома ва ҳужжатлар мақбулми, Узбекистон бу шартномаларга қўшилиши мумкинми ёки йўқми? Бунинг устига, қатъийлик билан бизни ҳамжамият ёки интеграциялашган давлатлар иттифоқи деб аталмиш уюшмаларни тузиш ҳақидаги ҳужжатларни имзолашга таклиф этишмоқда, гоҳида эса — бу нарса Узбекистонга фойдалими-йўқми эканини биз учун ўзлари ҳал қилишмоқда.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон учун бундай иттифоқлар ёки ҳамдўстликлар мутлақо мақбул эмаслигини айтиб ўтишни истар эдим.

Шартномалар имзоланганидан кейинги эҳтиролар ва сархушлик ҳолати бироз пасайган, ниҳоят расмий материаллар ва кўп сонли баёнотлар билан қандайдир даражада танишиш имконияти пайдо бўлган бугунги кунда муаллифлар тилга олинган битимларнинг имзоланишига асос қилиб кўрсатаётган айрим принципиал ҳолатлар, яъники зикр этилган шартномалар фалсафаси қурилган пойдевор хусусидаги мулоҳазаларим ҳамда муносабатимни баён қилишни истар эдим.

Тўғри, шу пайтга қадар ҳам Белоруссия билан Россия ўртасидаги шартнома сўнгги таҳririда қандай аталгани — Россия билан Белоруссия ўртасидаги ҳамдўстлик ҳақидаги шартнома дейилганми, ёки унга имзо чекиш пайтида баландпарвозлик билан баён қилинганидек — суверен республикалар ҳамдўстлиги ҳақидаги шартнома деб, бошқача айтганда — ССР, яъни айрим муаллифларнинг қалбидан чуқур ўрин олган жарангдор ССР деган номга ўхшаш ном билан аталганми — бирон нарса дейиш қийин.

Мен ҳалиям дастлаб бу янги давлатлараро уюшманинг ягона герби, байроғи ва гимни бўлиши, вақти келиб ягона конституция қабул қилиниши ҳақида гап бўлганини айтиб ўтирмайман.

Шу билан бирга, ном — шунчаки ном эканини англаган ҳолда, мен қабул қилинган шартномалар моҳиятига оид принципиал ўринлар — тилга олинган шартномалар фойдасига хизмат қилиши лозим бўлган далил-дастакларга тўхталмоқчи эдим.

Биринчи далил. МДҲ бугунги ҳолида талабга жавоб бермайди (лекин кимнинг талабига?), бу мўрт уюшма ҳеч нарсани ҳал қилмайди ҳамда у қабул қилган қарорлар амалда бажарилмаяпти, деб таъкидланди.

Ҳа, бу мулоҳазаларда ҳам жон бор.

Бироқ ҳақиқатан ҳам МДҲ доирасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайдиган механизмларни астойдил излаш, давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, уларни аниқ ва муайян мазмун билан бойитиш ўрнига, бизда кўпинча эски замонларни қўмсаш намоён бўлмоқда. Бугунги кўпгина раҳбарларнинг ўтмиш совет тарбияси ўз кучини кўрсатяпти, шекилли. Собиқ иттифоқнинг улкан ҳудудидаги ҳамма нарсани: анҳорга оддийгина кўприк қуриш ёки 50 ўринли болалар боғчасини қуришдан тортиб, улкан саноат иншоотлари — БеЛАЗ, КаМАЗ, БАМ, Тольяттидаги улкан автомобиль заводини қуришгача бўлган ҳамма масала марказнинг ўзида туриб ечилган пайтдаги тартиблар уларнинг онгига чуқур ўрнашиб қолган.

Нима учундир, агар бирор давлатлараро бирлашма тузиладиган бўлса, у албатта амалдорларнинг катта штатига эга бўлган парламент, қонунчилик, ижроия-мувофиқлаштириш ёки Олий Кенгаш, Ижроия Қўмитаси ёки маъмурий қўмитаси, бирлашган ҳарбий-сиёсий тузилмалар ва шунга ўхшаш давлатдан юқори турадиган тузилмалари бўлиши лозим деб ҳисоблашади.

Давлат бошлиқлари, ҳукумат бошлиқлари ва МДҲ бошқа тузилмалари бошлиқларининг сўнгги мажлислари кун тартибига эътибор берсангиз бир тамойил кўзга яққол ташланиши тасодиф эмас: иқтисодий ва ижтимоий интеграциянинг етилган муаммоларини ҳарбий-сиёсий масалалар, бирлашган қўмондонлик тузиш, чегараларни биргаликда қўриқлаш каби ва бошқа масалалар билан алмаштиришга ҳаракат қилинади. Бунда муайян тамойил кўриниб турибди.

Бироқ барчага равшан бўлиши лозимки, ташкил этиладиган ҳамжамиятларда бевосита амал қиладиган, яъни барча органлар ва ташкилотлар бажариши мажбур бўлган қарорларни шартномада иштирок этувчи ҳар бир мамлакатнинг тегишли органларини четлаб ўтиб қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлатдан юқори турувчи тузилмалар ташкил этилган тақдирда, бу давлатларни мустақил давлат дейиш қийин бўлади.

У ҳолда бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) бўлмайди. У ҳолда бу Ҳамдўстликни ҳар бир давлат ўз мустақиллигининг бир қисмидан воз кечиши лозим бўлган қарам давлатларнинг ҳамжамияти деб аташ керак.

Ўзининг ваколатли ва сайлаб қўйилган қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳарбий-сиёсий ва суд органлари билан бирга алоҳида олганда ҳар бир давлатнинг ҳамжамиятнинг янги тузилган давлатдан юқори турувчи тузилмалари билан алоқасини рамзий тилда айтганда бир-бирига туташ томирлар каби тасаввур этиш мумкин. Ҳамжамиятнинг давлатдан юқори турувчи тузилмаси ўзига қанча ваколат талаб қилса, ҳозир мустақил бўлиб турган ҳар бир давлат шунча ваколати ва ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Давлатдан юқори турадиган тузилмалар билан биргаликда ҳамжамият унда иштирок этувчи ҳар бир мамлакат истиқлолини ёки мустақиллигини тўла сақлаб қолган ҳолда тузилади, деб бизни ишонтиришга уриниш жиддий гап эмас. Буларнинг барчаси ҳамма нарсага ишонаверадиган кишиларга мўлжалланган.

Яна бир фикр: МДҲнинг тасдиқланган низоми доирасида (дарвоқе, нима учундир бу ҳақда гапирилмайди ва эслатилмайди) иқтисодий ва молиявий интеграцияни чуқурлаштиришимизни, маърифий туловлар масалаларини ҳал қилишимизни, ижтимоий интеграция йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашимизни ҳеч ким тақиқламайди. Бунинг учун аввало, жўғрофий-сиёсий тусдаги шартномаларни имзолаш шарт эмас.

Ҳозирги пайтда турли мустақил давлатларда яшаётган одамларнинг мулоқоти қийинлашган экан, бунинг сабаби кимнингдир сунъий ғовларни барпо этаётганида эмас. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги транспорт тарифлари ва йўл харажатларининг қиймати Россия миқёсининг ўзида ҳам ҳар кимга бир йилда бир марта ўз қариндошларини бориб кўришга, айтайлик, Москвадан Сибир ёки Узоқ Шарқ шаҳарларига етиб олишга имкон беравермайди.

«Теран интеграция» деб аталган интеграция муаллифлари ва ташаббускорлари пеш қилаётган иккинчи далил. Юз берган танглик вазиятининг, одамлар ночор аҳволга тушиб қолганининг асосий сабаби, асосий иллат бир вақтлар қудратли бўлган иттифоқ республикалари ўртасидаги иқтисодий ва хўжалик алоқаларининг узилиб қолганидадир, деб ҳаммани ишонтиришга уринишмоқда. Бу ҳам етмаганидек, хўжалик алоқаларининг узилиб қолиши сабабли ишлаб чиқариш қайси республикада қанча камайиб кетганини ҳисоблаб чиқишга ҳам уринишмоқда.

Айни пайтда тушунмаган ва бехабар одамларни эртага ана шу алоқалар тикланса, ҳамма жойда тартиб бўлади, корхоналар, фабрикалар ва заводлар яна ишлай бошлайди деб, ишонтиришмоқда.

Бу собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида бошланган бўҳроннинг ҳақиқий сабабларидан одамларни чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Ҳозирги кунда собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги давлатлар иқтисодиётидаги таназзулнинг асосий сабаби, аввало умри тугаган тоталитар мафкурининг маъмурий-буйруқбозлик ва марказдан тақсимлаш тизимининг бузиб ташланиб, янги бозор муносабатларига ҳозир бутун дунёда амал қилинаётган эркин иқтисодиётга ўтиш эканлиги соғлом фикрловчи ҳар бир кишига равшандир.

Ҳозир Россиянинг ўзидаги кўплаб корхоналар ночор аҳволда бўлиб, деярли ишламаётганини ҳам фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг аксарияти бугунги кундаги мустақил давлатлар корхоналари билан алоқаси узилиб қолгани ёки бундай алоқалар амалда иш бермаётгани туфайли тўхтаб қолгани йўқ. Россия ҳудудидан ташқаридаги кооператив алоқалар билан боғлиқ бўлмаган юзлаб корхона ишламай турибди.

Бунинг сабаблари бутунлай бошқа нарсада. Бу корхоналар ҳозирча янги шароитларга мослаша олмаяпти, маҳсулотини сотиш йўлини тополмаяпти, уларнинг ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун маблағи йўқ. Айтайлик, Россиянинг Иваново вилоятидаги фаолияти анъанавий тарзда Узбекистондан етказиб бериладиган хомашё билан боғлиқ бўлган тўқимачилик саноати корхоналари бугунги кунда энг аввало пахта толаси сотиб олиш учун маблағи йўқлиги туфайли ишламаяпти.

Бу ўринда 1995 йилда Узбекистондан етказиб берилган пахта толасининг асосий қисми, «Известия» газетаси саҳифаларида ёзилганидек, Россия ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилгани, яъни содда қилиб айтганда, Россиядаги айрим тузилмалар мана шу операциядан мўмайгина пул ишлаб олганини эслатиб ўтиш жоиз.

Шундан кўриниб турибдики, гап алоқаларнинг узилиб қолганида эмас экан. Гап ҳар жойнинг ўзида ҳисоб-китобда зарур маърифий тартиб ўрнатишда қолган.

Бу — биринчидан.

Иккинчидан эса, узилган алоқаларни тиклаш хусусида кўп жар солаётганлар гапнинг ярмини ютиб юборишяпти. «Труд» газетасининг 6 апрель сонида Россиянинг «Политика» жамғармаси президенти жаноб Никонов мана бундай деб ёзади:

«Собиқ СССРнинг барча республикалари, жумладан, Россияда ҳам ишлаб чиқаришнинг камайиб кетиши асосан улар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг узилгани, СССРнинг ягона иқтисодий макони бузилгани билан изоҳланиши сир эмас. Табиийки, агар сал узоқроққа қарайдиган бўлсак шунга амин бўламиз, бу маконнинг тикланиши йўлида қадам ташланиши Россия манфаатларига тўла мос келади».

«Теран интеграция» деб аталаётган ташаббус муаллифлари билан фикри бир жойдан чиқадиган жаноб Никонов ўз мулоҳазаларини қанчалик очиқ баён қилаётганини кўрдингизми?

Гап қандай иқтисодий макон ҳақида кетяпти, деган савол туғилади.

Равшанки, гап қачонлардир меҳнатни умумиттифоқ даражасида таъминлаш деб номланган, ҳар бир республикага маълум ўрин ажратилган, яъни кимдир арзон хомашё етказиб берадиган, кимдир эса бу хомашёни қайта ишлаб, даромад олган ҳамда ўзининг миллий даромадини барпо қилишини таъминлаган маконни тиклаш ҳақида кетяпти.

Айтайлик, бу халқ хўжалиги комплекси деб аталган маконда Белоруссияга «йигув цехи» вазифаси топширилгани, собиқ иттифоқнинг барча бурчакларидаги корхоналарнинг деярли ҳаммаси шу «цех» учун ишлагани ҳам сир эмас.

Хўш, Узбекистон ҳамда Урта Осиёдаги бошқа республикаларга қандай ўрин ажратилган эди? Энг аввало, арзон хомашё, биринчи ўринда жуда кўп меҳнат талаб қиладиган техник экин — пахта етказиб беришдек «шарафли» ўрин ажратилган эди. Бу пахта билан иттифоққина эмас, бутун социалистик лагер ҳам таъминланар, етиштирилган бутун ҳосилнинг атиги 15 фоизигина республикада қайта ишланар эди.

Ваҳоланки, бутун суғориладиган майдонларнинг қарийб 90 фоизига экилгани учун минтақа экологиясини бузган, Оролни қуритган, республика аҳолисининг генофондини хавф остида қолдирган бу пахта меҳнаткашларимизнинг оғир, ҳатто айтган бўлардимки, қўлларча меҳнати билан етиштирилар эди.

Москвадаги кабинетларда пахтага қўйилган нарх халқаро нархлардан юзлаб баравар кам бўлганини кўпчилик билмайди. Шуни ҳам айтиш лозимки, собиқ СССРнинг ўрта машинасозлик вазирлиги республикамиз заминидан қанча олтин ва бошқа қимматбаҳо ва стратегик металларни сўриб олганини ҳамда улар қаерга ишлатилгани, бундан қандай катта фойда олинганини Узбекистонда деярли ҳеч ким, шу жумладан, раҳбарлар ҳам билмас эди.

Республика мустақилликка эришганидан кейингина маълум бўлдики, Узбекистон валюта олтини ишлаб чиқариш бўйича СССР таркибида Россиядан кейин иккинчи ўринни, жаҳон бўйича эса еттинчи ўринни эгаллаб турган экан.

Узбекистон бунинг эвазига нималарга эга эди? Биз 30—40 фоиз дотация асосидаги давлат бюджетига ҳамда собиқ иттифоқдаги энг паст турмуш даражасига эга эдик. Ҳар қадамда бизни боқимандаликда айблашар, сизлар Москва бўйнига осилган тошсизлар, деб таъна қилишар эди.

Халқ бундай ҳақсизликка чидашга мажбур эди. Нимага асосланиб ва нима учун шундай бўляпти, деган савол берган кишилар чиқса, шу заҳотиёқ репрессия чоралари кўриларди.

Узбекистон жамоатчилиги ўзининг энг яқин тарихидаги Горбачев-Лигачев командаси халқни жиловда тутиб туриш, унинг ўсиб келаётган миллий ва сиёсий онгини бўғиш ниятида «Пахта иши», «Узбеклар иши» деб аталмиш туҳматларни тўқиб чиқарган, биз ўзбекларга турли-туман шармандали тамғалар ёпиштирилган фожеали саҳифаларни ҳеч қачон унутмайди. Бу даврда оддийгина инсоний ҳуқуқлар, ҳуқуқий меъёрлар бузилган, юзлаб ва минглаб гуноҳсиз кишилар қамоққа ташланган, бинобарин, маҳаллий аҳолига нисбатан қирғин уюштирилган эди.

Турли-туман иттифоқлар, ҳамжамиятлар, федерациялар ва конфедерациялар мафкурачиларининг деярли барчаси тиклаш тўғрисида гап юритаётган собиқ иттифоқдаги меҳнат тақсимоти амалда Узбекистон учун мана шу маънони англатар эди.

Соғлом ақлга эга бўлган бирон-бир киши юртимизга яна шундай даврлар қайтиб келиши, марказдан туриб ресурсларимизга эгалик қилиниши, халқимиз тақдирини ҳал қилувчи қарорлар қабул қилиниши билан келиша оладими?

Бундай интеграция муаллифларининг баёнотларида эшитилаётган учинчи далил: «Бутун дунёда интеграция аниқ-равшан кўриниб турган эзгу иш деб англанади. Жаҳондаги кўпгина минтақаларга бу жараён хосдир».

Бу ўринда кўпинча Европа Иттифоқи тузилиши мисол қилиб келтирилади.

Бу хусусда нима дейиш мумкин?

Ҳа, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида барча давлатлар бир-бири билан боғлиқ, албатта. Бугунги кунда дунё харитасида бошқалардан, айниқса, ўзини қуршаб турган мамлакатлардан мутлақ ажралган бирон-бир давлатни топиш қийин. Ҳа, Европа Иттифоқида интеграция ва ҳамкорлик асосий тамойиллардан ҳисобланади.

Бироқ Европа Иттифоқининг интеграция жараёнларига ёндашуви интеграциялашаётган давлатларнинг тўла суверенитети, ҳоҳиши ҳамда уларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш принципларига асосланади.

Ҳа, Европа Иттифоқи асосланган принциплар МДҲ мамлакатлари учун ҳам мақбул бўлиши мумкин. Буни ҳеч ким рад этмайди. Бироқ собиқ совет ҳудудида Европа Иттифоқидаги вазиятдан кескин фарқ қиладиган бир неча ҳолат мавжуд.

Биринчидан, бу энг муҳими ҳам — Европа Иттифоқининг шаклланиши бир неча ўн йилларни ўз ичига оладиган узоқ тарихга эга, маастрих битимлари эса — давлатлар, уларнинг раҳбарлари жуда кўплаб муросалар асосида босиб ўтган улкан йўл натижасидир.

Иккинчидан, Европа Иттифоқига барқарор, асосли демократик жамоат ва давлат тузилмаларига эга бўлган, мустаҳкам бозор ва ҳуқуқий, қонунчилик меъёрларини, уларни амалга оширувчи механизм ва инфраструктураларни шакллантирган мамлакатлар бирлашган.

Учинчидан, демократик ташкилот ва қадриятлар бу мамлакатлар аҳолисининг мутлақ кўпчилигининг ижтимоий онгидан мустаҳкам ўрин олган.

Тўртинчидан, Европа Иттифоқидаги кўпчилик мамлакатлар деярли бир хил, анчагина юксак иқтисодий салоҳиятга эга. Ўз тараққиёти бўйича бошқалардан устунлиги кўриниб турган давлатлар йўқ. МДҲ доирасида эса, Россия — ўз миқёслари ва салоҳияти билан МДҲдаги бошқа давлатлардан устун, уларнинг ҳаммасини қўшганда ҳам бир неча марта устун турадиган улкан салтанат эканини таъкидлаб ўтириш ҳам ортиқча.

Бешинчидан, техник ва иқтисодий жиҳатдаги қолоқлик, жуда эскириб кетган, рақобатга бардош беролмайдиган технология ва асосий фондларимизни ҳисобга оладиган бўлсак — собиқ СССР доирасида қандайдир иттифоқларга биқиниб олиш ҳаракати — бундай сиёсат ўтмишнинг қандайдир мафкуравий қолипларини тиклаш йўлида ўзимизни жаҳон иқтисодиётининг овлоқ жойларида жунжикиб ўтиришга маҳкум этиш бўлади. Келажак авлодлар бунинг учун бизни кечирмайди.

Жаҳон тажрибасида давлатлар иқтисодий жиҳатдан ё ҳамкорликда ҳаракат қилиб, ўзларига жаҳон товарлар бозорида ўрин олиш (дарвоқе, бу Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япония муносабатларида кўзга ташланади), ёки ўз ҳудудлари ўртасида товар ва капитал ҳаракати йўлидаги божхона тўсиқларини имкон қадар қисқартириш учун бирлашади.

Бу ҳолда шартноманинг ҳар бир алоҳида иштирокчисининг манфаатлари ҳисобга олинади, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланади ҳамда ҳарбий-сиёсий ёки бошқа шунга ўхшаш мақсадлар бутунлай соқит қилинади.

Пайдо бўлаётган мана шу масалаларни ҳисобга олиб ҳамда теран интеграция деб аталаётган, собиқ совет ҳудудида турли-туман ҳамжамият ва иттифоқлар тузиш мафкурасини мана шу масалалар нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган бўлса, бу ўринда:

— ёки масалага юзаки, охиригача ўйлаб кўрилмаган ҳолда ёндашилмоқда;

— ёки аслида бу шартномалар замирида турган барча нарса атайлаб бузиб кўрсатилмоқда, деган хулосага келади киши.

Биз бу шартномаларда иштирок этаётган ҳар бир томоннинг ўз мақсади ва ўз манфаати борлигини яхши биламиз.

Биз бугунги кунда Россиядаги сайловолди мавсуми қандай сиёсий майдонда ривожланаётганини, турли сиёсий ва ижтимоий блоклар ўртасида президентлик курсиси учун бораётган курашда қай даражада танглик вужудга келаётганини кўриб турибмиз.

Россия ҳамда МДҲдаги бир қанча давлатларда интеграция, оддий қилиб айтганда собиқ иттифоқни у ёки бу шаклда қайта тиклаш ғояси (ҳатто радикал коммунистлар ҳам СССРни олдинги ҳолида тиклаб бўлмаслигини билади) кезиб юрибди.

Бу ғоя турли ижтимоий қатламлар онгида ҳам мавжуд. У, айниқса, «фалаж қилиб даволаш» туридаги чуқур асосланмаган, ўзини кўрсатиш учунгина ўтказилган ислоҳотлар кўпчилик аҳолини оғир аҳволга солиб қўйган, аҳолининг ижтимоий ҳимояси кескин ёмонлашиб кетган жойларда айниқса кучлидир.

1991 — 1992 йиллардаги суверенитетлар сархушлиги даврида МДҲ халқларига улашилган ваъдалар амалда бажарилмаяпти. Векселлар ҳамда илгари олинган мажбуриятлар бўйича тўлов тўлаш пайти келди. Бироқ, бу кўпчиликнинг қўлидан келмаяпти.

Одамларнинг ҳафсаласи пир бўлиши, ўтмишни қўмсаш мана шундан келиб чиқмоқда. Ижтимоий вайсақилик, танқид ва янги ваъдалар учун мақбул бўлган замин ҳам мана шунда пайдо бўлган. Бугун бундан, энг аввало коммунистлар, социалватанпарварлар ва «Буюк Россия», «салтанат» сингари баландпарвоз сўзларни айтиб бақириб-чақираётган турли шовинистик руҳдаги унсурлар усталик билан фойдаланмоқда, тўғрироғини айтганда, улар шу билан кун ўтказмоқда. Буни пайқамаслик мумкин эмас.

Сайловчиларнинг бундай кайфиятини Россия президентлигига номзодлардан биронтаси ҳам, шу жумладан Борис Николаевич Ельцин ҳам ҳисобга олмаслиги мумкин эмас.

Россия Давлат Думасининг — Давлат Думасидаги коммунистларнинг десак тўғрироқ бўларди — бу пойгада ташаббусни қўлга олиш мақсадида қабул қилган Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақидаги қарорини ҳам мана шу нуқтаи назардан баҳолаш лозим. Бу қарордан мақсад собиқ СССРни қайта тиклаш борасидаги барча жараёнларни жилдириб юбориш, тезлатишдан иборат. Шуниси ғалатики, МДҲдаги бошқа суверен давлатлар аҳолисининг бу ҳақдаги фикри қандай экани — бу ҳаракатлар уларнинг мақсад ва интилишларига мос келиш ёки келмаслиги билан мутлақо ҳисоблашилгани йўқ.

Агарда Лукянов ва унга ўхшаган собиқ СССРнинг айрим собиқ раҳбарлари, ҳозирги Давлат Думаси депутатлари, Лигачёв ва у каби ўтмишдаги барчамизга машҳур мафкурачиларнинг телевидение экрани ва Россия матбуоти саҳифаларидан бераётган қатъий баёнотлари, уларнинг собиқ СССРни имкон қадар тезроқ қайта тиклаш зарур деган гапларига ҳам эътибор бериладиган бўлса, бу хавфли ўйинлар Россияни қаёққа бошлаб кетаркан, деган ўй кишини ташвишлантиради.

Жаноб Сергей Кургинян «Завтра» газетаси саҳифаларида мана бу гапларни ёзади, уларни «Аргументы и факты» ҳафтаномаси кўчириб босади (1996 йил апрелидаги 14-сонига қаранг):

«...Улкан юртни (СССР деб тушунаверинг) қайта бирлаштириш, буюк мамлакатни қайта тиклаш Россиянинг ҳар бир ватанпарвари учун олий давлат сиёсати борасидаги юксак устуворлик ҳисобланади. Б. Ельцин ҳақиқий интеграция учун қандайдир қадам ташлай оладими-йўқми — бу қадамга беписандлик билан қараб бўлмайди. Чунки мақсад жуда буюкдир. Мана шундай, фақат мана шундайгина натижага эришиш йўлида, ҳатто стратегик муроса қилиш ҳам мумкин ва бу муроса самарали бўлади. Қайта бирлашишга хизмат қиладиган ҳамма нарсадан фойдаланиб қолиш керак».

Бундан ҳам очиқроқ айтиш қийин бўлса керак.

Биз ўзбекистонликлар кимни Президент этиб сайлаш, Россиядек буюк мамлакатнинг тақдири ва сиёсатини ким белгилашини аниқлаш фақат россияликларнинг иши, бошқа бирон кишининг бу ишга аралашиши мумкин эмаслигини яхши англаймиз, албатта.

Бироқ, МДҲ мамлакатлари тақдиридаги, ҳатто Европа ва бутун жаҳон тақдиридаги кўп нарсалар энг аввало Россия танлайдиган йўл ва унинг сиёсатига, у кейинчалик қайси йўлдан ва кимнинг раҳбарлигида боришига боғлиқ эканлиги учун ҳам биз бу танловга бефарқ қарай олмаймиз.

Биз Россиянинг демократик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан манфаатдор эканмиз, Президент Б. Ельцин номзодини қўллаб-қувватлашимиз тўғрисида гапирганда айнан мана шу шароитни ҳисобга оламиз.

Гап унинг бизга ёқиш-ёқмаслигида эмас, гап шундаки, фақатгина Ельцин ўтмишга қайтишга қарши тура олади, Россияда бошланган ислоҳотларни олға силжита олади.

Ўзбекистон Россия билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали сиёсий ва иқтисодий муносабатларни, унинг Ўзбекистон халқи асрлар давомида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва қардошлик ришталари билан боғланган халқи билан маънавий алоқаларни ўзаро мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан ўта манфаатдор экани ҳеч кимга сир бўлмаслиги керак.

Россия билан Белоруссия, Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги шартномалар ҳақида гапирар эканман, бу шартномаларни имзолаш ва уларни амалга ошириш — энг аввало бу давлатларнинг ички иши эканини яна бир бор таъкидлашни истардим. Ҳар бир давлат ўз тақдири ва келажагини ўзи ҳал қилади. Бу жараён ихтиёрий эканини назарда тутган ҳолда унга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Худди мана шунинг учун ҳам, шунингдек, бизнинг интеграция ва ҳамкорлик жараёнларини ўзимизга хос тарзда англашимизни, қандайдир давлатлараро блоклар ҳамда барча яхши ниятли, манфаатдор давлатлар билан эркин ҳамкорлик қилиш йўлидаги чеклашлар биз учун мақбул эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, Узбекистон бу шартномаларга қўшила олмайди.

Марказий Осиёдаги интеграция йўлида қандайдир қийинчиликлар пайдо бўлмасмикан, деган савол туғилиши мумкин. Назаримда, бундай қийинчиликлар туғилмаслиги керак. Биз Марказий Осиё интеграциясига ҳудудий бирлик, коммуникацияларнинг, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи соҳаларининг умумийлиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларидан биргаликда фойдаланиш, энергия ресурслари билан таъминлаш зарурати туфайли туғилган объектив зарур ҳодиса, деб қараймиз. Чуқур умумий илдизлари бир-бирига чирмашиб кетган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий яқинлигини эслатиб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак.

Бу умумийликни рўёбга чиқариш, шубҳасиз, халқларимиз манфаатига жавоб бериши, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашишига ишончим комил.

Хонимлар ва жаноблар,

Бир ҳафтадан кейин Узбекистон Президентининг Франциядга расмий ташрифи бошланади. Ташриф муддати буюк аждодимиз, мислсиз саркарда ва давлат арбоби Амир Темур номи билан боғлиқ юбилей тадбирлари ўтказилаётган пайтга тўғри келишидан жуда ҳам мамнунман. Европанинг юраги — Парижда, ЮНЕСКО раҳнамолигида жаҳонга машҳур олимлар иштирокида илмий конференция ўтказилади, кўргазма ташкил этилади, етакчи ўзбек артистлари иштирокида концертлар бўлади.

Амир Темур тарихдан ҳозирги Узбекистон ҳудудида кучли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган ўрта асрларнинг энг йирик давлат арбоби ва саркардаси сифатида ўрин олган. Бу давлат пойтахти — ҳозирги Самарқанд ўрта асрлар оламининг маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақл-заковати ва истеъдодининг ноёб намунаси бўлган, бугунги кунда ҳам сақланиб турган мислсиз меъморлик обидалари билан донг таратган.

Сиртқи дарс

21. АМИР ТЕМУР САРКАРДАЛАРИ

Дарснинг таълимий мақсади: Мамлакатимизни мўғуллар зулмидан озод қилишда Амир Темурга елкадош бўлган саркардалар билан ўқувчиларни таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: Ўқувчиларда ҳазрати Соҳибқирон саркардалари фаолияти мисолида ватанпарварлиқ руҳини тарбиялаш.

Дарс режаси:

1. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас...
2. Ҳазрати Соҳибқиронга саркардалар садоқатини қандай туйғу мустаҳкамлади.
3. Саркардалар тақдири.

Ҳазрати Соҳибқирон ўспиринлик йилларидаёқ ўз тенгқурлари — ўзбек қабилалари бошлиқлари болаларини ўз атрофига тўплаб, мақсад сари йўналтира олди. Бу ҳақда биз 14-дарсла ва 19-дарс матнида қисман сўз юритган эдик. 1370 йилда ўша сафдошлар сафи кенгайиб, энди ҳазрати Соҳибқиронга юртни ғанимлардан тозалашда ҳамдам бўлишга онт ичдилар.

Амир Ҳусайн Балх вилоятида енгилмас, ҳазрати Соҳибқироннинг шу кунгача қўлдоши ва йўллоши бўлиб кетган барча турк қабила бошлиқлари тўпланишиб, унга умрбод содиқ бўлишга қасамёд қилдилар. Бу амирлар ўз аскарларидан ҳар биридан биттадан пайкон (камон ўқининг учи) йиғиб бердилар. Ҳазрати Соҳибқирон уларни эритиб, Қозон ясашни буюрдилар. Қозоннинг 2000 килограмм эканлигини назарда тутган ҳолда, ҳар бир пайкон 20 грамм бўлса, ўшанда ҳазрати Соҳибқирон байроғи остига юз минг кишилик қўшин тўпланганининг гувоҳи бўламиз. Ҳазрати Соҳибқирон Самарқанд ҳукмдори этиб сайланиши 1370 йилнинг 9 апрелида содир бўлди. Сўнг ул зот ҳар кимга мавқеини ҳисобга олиб туман ва ҳазора амирларини белгиладилар. Амир Довудга амирлик ва девондаги мансабига қўшимча Самарқандни бошқариб туриш, яъни доруғаликни топширдилар. Амир Жоку, амир Сайфуддин, амир Аббос, амир Искандар, амир Оламшайх, амир Алқа қовчин, амир Ардашер қовчин, амир Қимири иноқларга турк қабилаларида салтанатдаги мансабнинг навбатдагиси ҳисобланган лашкар амирлиги ва тавочиликни топширдилар. Амир Сарибуғо, амир Ҳусайн барлос, амир Оқбуғо, амир Ҳожи Маҳмудшоҳ, амир Элчи баҳодир, амир Давлатшоҳ бахшиларни девон амири этиб тайинладилар. Хитой баҳодир, Шайхали баҳодир, Оқтемур баҳодир, Тобон баҳодир, Дукана баҳодир, Бахшишоҳ, Қорахинду, Таканак, Апочий Қирон буғо Арслон, Шайхали ва Оқтемурларни баҳодирлар сардори этиб тайинланди.

Кейин Ҳазрати Соҳибқирон Самарқандни обод этишга киришдилар. Самарқанднинг қайта қуриш ишини амир Оқбуғога топширдилар.

Шибирғон ҳокимияти Оқбуғонинг ўғли Баён Темурга қарор топди.

Ҳазрати Соҳибқирон марказлашган давлатни тузишда яхши-ёмон, қийинчилик кунларда ҳамкор бўлдилар. Ибн Арабшоҳ ёзади:

«Бу аскарлар афлокида юлдуз сайёралари бўлиб, улар билан Амир Темур осмони чарақлар, улар фикрини иқтидо тутар, руҳиятидан унинг кўнгли равшан тортар эди. Мен дедим:

Ишга сайланган ҳар бир кишидан сайланувчи бор,
У шундай, ки раъйи қуёш, журъатда шеър мисол

Улар ёрдамида Амир Темур ёпиқ қўрғонларни фатҳ қилиб, зарбалари билан тор жойларни кенг қилди; улар ҳамлалари билан ҳар бир қайсарнинг шиддатидан қутулиб, улар азми билан ҳар бир истаган муродига эришди; улар қатъият билан ҳар қандай матлаблар хазиналари висолига етди. Агар Амир Темур тўлин ой бўлса улар унинг ёруғлик гардиши (ҳоласи), агар у уста бўлса, улар унинг шогирди, у жон (руҳ), улар сезгилар, улар аъзою бадан, у эса бош эди» (II жилд, 9-бет).

Ҳазрати Соҳибқирон ҳалокат ёқасида ҳам ўз саркардаларини ғалабага руҳлантириб, уларга руҳ бағишлай олди, ўзларига ишонч уйғота олди.

Шарофуддин Али Йаздий ёзади:

«Бу Аллоҳнинг чексиз инояти ва поёнсиз марҳамати эрурки, бир кишини ўз лутфу карами ила сарафроз айлаб, унга шу қадар қувват ва шижоат ҳадя этадики, у киши икки юз қирқ уч нафар сипоҳи билан, мажбурий эмас, балки ўз ихтиёрларича ўн икки минг нафар қонҳўр ва қасоскор душман отлиқларига қарши чиқиб жанг қилмоқчи бўлади; етиб келгач, икки кеча-кундуз ичида улардан қўрғонни тортиб олади... Бу воқеий ҳикоядир. Унинг тўғрилиги қайта-қайта текширилган ва таҳрир мажлисида ул аҳволни ўз кўзлари билан кўрган баъзи кишилар ҳеч қандай тилёғламалик қилмасдан тасдиқладилар» (141-бет).

Гап шунда, ки амир Мусо ўн икки минглик сипоҳи билан Қарши шаҳрини эгаллаб турган эди. Ҳазрати Соҳибқироннинг ўзлари кечаси шаҳарга кириш ва уни эгаллаш йўлларини ўрганиб қайтадилар. Сўнг 243 нафар жангчи билан Қаршини эгаллайдилар. Енгилган амир Мусо яна куч тўплаб келиб Қаршини қамал қилганда амир Муайяд душман қўшинларининг бир неча бор кўпсонли бўлишига қарамай ўттиз нафар баҳодир йигитлари билан Хузор дарвозасидан ташқари чиқиб, душман қўшинларидан анчасини нобуд этиб, олти бош отни ўлжа қилиб, шаҳарга қайтади.

Яна бир мисол: Жатта хони Қамариддин Умаршайх Мирзодан Андижонни тортиб олганда ҳазрати Соҳибқирон унга қарши Муайяд, Хитой баҳодир, Шайхали баҳодир, Оқтемур баҳодирлар бошчилигидаги қўшинларни жўнатади. Қамариддин тўрт минг суворий билан пистирмада кутарди. Буни эшитган ҳазрати Соҳибқирон ёнидаги икки юз нафарга яқин жангчи билан йўлга чиқади. Қамариддин камингоҳдан чиқиб ҳазрати Соҳибқирон жангчилари устига ташланади. Жангчилар ваҳимага тушганда ёнидагиларнинг руҳини кўтариш мақсадида: «Зафар ва ферузийлик Тангри таолодан, лашкарнинг сони туфайли эмас!» деб, ғалабага илҳомлантирдилар ва ўзлари биринчи бўлиб, сурон солиб, душманга ташландилар. Натижада Соҳибқирон бошлиқ икки юз жангчи ва уларнинг саркардалари душманнинг тўрт минг суворийсини тор-мор келтирдилар. Ҳазрати Соҳибқирон баъзида ҳарбий ҳийла ишлатишни саркардаларига ўргатар эдилар. Кешни Жатта қўшинлари эгаллаган эди. Уч юз сипоҳдан икки юз нафарини ҳазрати Соҳибқирон амир Сулаймон барлос, амир Жокуи барлос, Баҳром жалойир амир Жалолуддин барлос, амир Сайфуддин Йўлтемурлар билан Кешга юборади. Уларга: тўрт «қўшин» бўлинглар ва ҳар бир отлиқ иккита катта боғ шохни отнинг ҳар иккала ёнига боғлаб олсин ва чангитсан, деб буйурдилар. Бундан тўзон кўтарилиб, мавҳдо Кешда доруға бўлса қочиб қолади, дедилар. Саркардалар фармонга мувофиқ иш тутдилар ва тадбир билан тақдир тўғри келди. Мўғуллар Кешни ташлаб қочдилар. Ҳазрати Соҳибқирон ўз саркардаларидан сир яширмас, ўлжаларини улар билан баҳам кўрарди. Амир Ҳусайн ўлдирилгач амир Баҳром Жалойирга унинг катта хотини Севинч Қутлуғ оғани олиб берадилар, амир Зиндаҳошимга эса иккинчи хотини Дилшод оғани никоҳлаб берадилар, Амир Жоку Кайқубод Хатлонийнинг қизи Одил мулкка уйланади. Амир Тобон баҳодирнинг биродари Элчибуғо Амир Ҳусайннинг қизига уйланади.

Қарши урушида жонбозлик кўрсатган амирлардан амир Довуд дуғлот ҳазрати Соҳибқироннинг опалари Қутлуғ туркон оғага, амир Муайяд арлот эса сингиллари Ширин бика оғага уйланган эдилар.

Амир Сулаймоншоҳ ибн амир Довуд дуғлот ҳазрати Соҳибқироннинг қизлари Султонбахт бегимни ўз никоҳига олган эди.

Ҳазрати Соҳибқирон ҳарбий юришга отланар эканлар, баъзида ўз ўринларига саркардаларидан бирини қолдирганлар. Масалан, 1371 йил баҳорида Хоразмга қўшин тортар эканлар амир Сайфуддинни Самарқанд муҳофазаси учун қолдиргандилар; Хоразмга учинчи бор юришларида (1376 йил баҳори) Самарқандда амир Оқбуғо қолдирилган.

Ўрусхон сари лашкар тортар эканлар Самарқанд муҳофазаси амир Жоқуга топширадилар. Саркардалар Амир Темурнинг ўғил ва набиралари тарбиясида ҳам бош бўлганлар. Масалан, Муҳаммад Султон тарбияси аркони давлатнинг ишончли кишиларидан амир Сайфуддинга, Халил Султон тарбияси амир Худойдодга топширилган эди.

Саркардалар амир Темурнинг бинокорлик ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Ҳазрати Соҳибқироннинг барча қурилиш ишларини саркардалар ўз лашкарлари билан адо этардилар. Шунинг учун, ул зотнинг саркардаларини фақат жангчи, ҳарбий билим эгаси эмас, муҳандис, меъмор, тадбиркор ҳам олим ҳам бўлганлар, дейиш жоиздир. Жумладан, амир Сайфуддиннинг илми нужумдан хабари бор эди; у юлдузларга қараб толеъни белгилай оларди. Шунинг учун ҳазрати Соҳибқирон қандай тадбирга қўл урмасинлар, аввал улар билан кенгашар эдилар.

Амир Темур ўз саркардаларини фикр билдиришга, ўйлаб иш қилишга ундардилар. «Халқнинг хос қисми масалага чуқур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хатонинг энг қуйисигача йиқилса ҳам ёки савобнинг чўққисига кўтарилса ҳам — фарқи йўқ, ҳеч бир тортинмасдан гапираверсин. Чунки агар хато қилса, бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, унга икки ҳисса мукофот», деярди. Шу тарзда ҳамма фикрлар тўпланиб, бир томонга қараб юришга иттифоқ бўлгач, ушбу мажлис аҳли тарқалар эди.

У ўзининг Сулаймоншоҳ, Қамарий, Сайфуддин, Аллоҳдод, Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин каби яқин кишилари билан мажлис қуриб, масалани қайтадан ҳар томонлама бағоят пухта ўйлардилар ва ҳамма йўлларни диққат билан муҳокама қилардилар.

Ҳазрати Соҳибқирон вафотидан кейин саркардалар темурийзодаларнинг тахт учун курашига бефарқ қола олмадилар. Уларнинг кўпчилиги васиятга кўра Самарқанд тахтини Пирмуҳаммадга топшириш тарафдори эдилар. Шунинг учун ҳам Халил Султон ўзига яқин амир Бурундуқни олдинроқ Самарқандга жўнатганда амир Бурундуқ Сайхундан ўтиб бўлгач, кемалардан қурилган кўприкни бузиб ташлайди ва Самарқандни эгаллайди. Халил Султон унинг бу ишига эътибор қилмайди. Қайтадан кўприк қурдириб дарёдан ўтади. Туркистон ва унинг туманларига амир Худойдодни ҳоким қилиб тайинлайди. Халил Султоннинг у энг катта ғанимларидан бири эди. Чунки у тарбиячи сифатида жуда қаттиққўл, қўпол одам эди. Халил Султон унга заҳар ичирган. Лекин амир Худойдод амирзода кирдикорини сезиб қолиб, заҳардан ўзини дарҳол тозалайди. Лекин унинг асоратидан оқсоқ бўлиб қолган эди. Шундай бўлса ҳам у Халил Султон буйруғини бажаришга мажбур бўлди. Кейинроқ (1409 йили) Худойдод ва Шайх Нуриддин Халил Султонга қарши исён кўтардилар. Бу ҳақда амир Шоҳмалик Шоҳрух Мирзони огоҳ этди...

Ибн Арабшоҳ ёзади:

«Аллоҳдод Худойдодга қалтис ва шиддатли қасамлар қилиб, Самарқандга бориб, ёмонлик моддаларини бартараф қилиб, барча ишларни тузатишга кафил бўлди. Сайҳундан ўтгач, Халил Султонга элчи жўнатди. Аллоҳдод келиб вазирлик мансабини эгаллади. Аллоҳдод, Бурундуқ, Арғуншоҳ, Качук мамлакат ишларини бошқариб, ҳар ким билан ўз мақомига биноан муомала қилдилар».

Шайх Нуриддин ва Худойдод эса шаҳарларга ғорат қилиб, Туркистон атрофлари, Сайрам, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Шоҳрухия, Ўтрор, Сиғноқ ва бошқа ерларни эгалладилар. Мовароуннаҳр ерларига ҳам ўтиб ғорат қилардилар. Худойдод мўғуллар билан сулҳ тузди.

Идиқу қўшин тўплаб Хоразм устига юрди. Хоразм нойиби Мусиқо қочди. Анко деган кишини ҳоким қилиб қолдириб, ғоратгарчилик билан шуғулланди. Халил Султон отаси аммасининг ўғли Султон Ҳусайн бошчилигида Качук, Арғуншоҳ ва Аллоҳдод билан катта қўшинни Пирмуҳаммадга қарши жўнатди. Султон Ҳусайн мустақиллик эълон қилди. Аллоҳдод фирибига учиб, Ҳиротда Шоҳрух томонидан ўлдирилди.

Халил Султоннинг Ироқда эканлигидан фойдаланиб Худойдод ва Шайх Нуриддин Самарқанд атрофларини талаб кетдилар. Кейин ўрталари бузилиб, Шайх Нуриддин Сиғноққа қайтиб, ўша туманларга эгалик қилди. Халил Султондан узр сўради. Халил Султон унинг узрини қабул қилиб бобосининг хотини Туман оқани унга юборди. Кейинроқ Шоҳмалик Шайх Нуриддин ҳузурига келиб, Арғудоқ деган одамига уни ўлдиртирди.

1407 йилнинг июль—август ойларида Аллоҳдод бошчилигида Илёс хожа, Ибн Қумори Мансур, Таваккул Қарқаро, Давлат Темур ва бошқаларни Термиз шаҳрини тиклашга жўнатди.

Шоҳрух уларга мадад учун Мизроб номли амирини жўнатади. Мизроб Амир Темур Дамашқ қалъаси муҳосарасига бошлиқ қилиб тайинлаган Жаҳоншоҳнинг биродари эди. Шоҳрух Термизнинг қаршисидаги, дарёнинг сўл қирғоғидаги Ҳинд қўрғонини таъмирлатишга киришди. Худойдод Ўратепага келади. Унга қарши Халил Султон Аллоҳдод ва Арғуншоҳ бошчилигида қўшин жўнатади. Амирлар фириб ишлатиб, Худойдод Халил Султонни Султония қасабасида енгиб уни асир олди, сўнг Самарқандни эгаллади.

Буни эшитган Шоҳрух Самарқандга қўшин тортди. Шоҳмаликка элчи жўнатди. Самарқандга келиб, Хожа Абдула аввал ёрдамида Аллоҳдод ва Арғуншоҳни қўлга олди. Худойдод Шоҳрухга қарши мўғуллардан мадад сўраб борганда уни тутиб ўлдирдилар.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Муаллифдан: Манбалар ва тадқиқотлардан маълумки, ҳазрати Соҳибқирон Чўлпон оғага гуноҳи учун итоб қилганлар. Ўн биринчи дарсимизда эса «Туман оқо» дейилган. Жузъий хато учун ўқувчилардан узр сўрайман.

«ОРОМ»ДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Боғча ва мактаб ҳамкорлиги масаласи бугунги кунимизнинг долзарб масалаларидандир. Ҳозиргача, агар болалар боғчаси мактабга сайр уюштирса ёки педагоглар қўшма кенгашларда иштирок этишса, дарсларни кузатишса, бу мактаб билан боғчанинг ҳамкорлиги ҳисобланади. Аслида эса бола ҳаёти ва фаолиятини ташкил этишда ҳеч қандай боғланиш сезилмасди. Кейинчалик болалар боғчаларида 6 ёшли болалар ўқитилиб, бу ишга мактабдан бошланғич синф ўқитувчилари таклиф қилинди. Бу ҳам натижа бермади. Ҳанузгача турли хил тажрибалар олиб борилмоқда, лекин ижобий натижалар кам. Болалар боғчаси қошида лицей очишдан аввал биз жуда кўп изландик, турли услубларни ўйладик ва болалар учун қулай бўлган, тарбиясига ижобий таъсир этадиган ушбу йўлни танладик. Бизга маҳалламиз аҳли яқиндан ёрдамлашди ва маслаҳатларини аямади.

Боғчамиз аҳолиси зич жойлашган маҳаллада жойлашган. Ҳар бир оилада камида 3 нафардан, ўртача 5 нафаргача бола бор. Болаларимизнинг таълим-тарбиясидаги изчиллик боғча, мактаб ва маҳалла аҳлини қўпдан бери ўйлантириб келаётган масала эди. Бу ишни амалга ошириш учун боғча майдонида болаларни ўқитишга қўшимча бино қуриш зарурати туғилди. «Қурилишга қаердан маблағ олсак экан», деган фикр бизни узоқ вақт ўйлантирди. Маҳалла қўмитаси ва жамоатчилик ёрдамида жавоб топилди ва тезлик билан қурилиш иши бошлаб юборилди. Ҳомийлар кучи ва ҳашар йўли билан 12 та ўқув хонаси бўлган бир қаватли бино тикланди. Биз туман ХТБ, шаҳар ва ХТБ ва Халқ таълими вазирлигининг қимматли маслаҳатлари ва ёрдамларига таянган ҳолда иш олиб бордик.

1994—95 ўқув йилида 120 ўқувчига мўлжалланган лицейимиз иш бошлади.

Лицейимизга 30 нафар юқори малакали кўп йиллик педагогик стажга эга бўлган махсус маълумотли ўқитувчи-педагогларни жалб этдик. Шуниси диққатга сазоворки, ўқув хоналари билан биргаликда эртаклар олами ва кўнгил очиш, даволаш ва соғломлаштириш комплекси, мусиқа ва жисмоний тарбия зали, чет тилини ўргатиш студияси, табиатни ўрганиш хонаси, компьютер-ўйин хонаси, кутубхона ташкил этилди.

Махсус ўрнатилган жадвал асосида студияда мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан соғломлаштириш ишлари олиб борилади ва шуғулланади.

Шунингдек, даволаш-соғломлаштириш комплексида ҳамшира болалар скондиози, яссиоёқликнинг олдини олиш каби профилактик чораларни кўради, ҳар куни врач назорати остида турли хил дармонли ўсимликлардан тайёрланган ичимликлар ичадилар, профилактик тадбирлар ўтказилади.

Табиат билан таништириш хонаси, даволаш-соғломлаштириш комплекси ичига жойлаштирилган бўлиб, у бош танасини фақат жисмонан соғломлаштириб қолмасдан, бола саломатлигига руҳий томондан ҳам таъсир кўрсатади, чарчашни олдини олади. Эртаклар ва кўнгил очиш хонасида эртак билан боғлиқ бўлган нарсалар (қўғирчоқлар, суратлар, жиҳозлар, китоблар, кинофильмлар учун аппаратлар) қўйилган.

Ота-оналар кун давомида ўз болаларини тажрибали, моҳир педагоглар қўлида эканлигидан, кун тартибига риоя қилган ҳолда овқатланишларини, дам олишлари, ўйнашларини ҳис этиб хотиржам бўладилар.

Бизнинг шароитимизда болалар боғчаси ва мактаб ўртасидаги изчиллик янгича мазмун касб этмоқда. Биринчидан, ўқитувчилар ўқувчилар билан қандай шуғулланса-лар, мактабгача ёшдаги болалар билан ҳам бир хил ўргатиш усулидан фойдаланадилар. Ўқувчилар улар билан ҳар куни мулоқотда бўладилар. Кўпинча болалар эртак тинглаганларида ёки томоша қилаётганларида инглиз ёки араб тилида сўзлашишга ўрганаётган вақтларида, даволаш-соғломлаштириш хонаси ёки спорт комплексида учрашадилар. Катталар рухсати билан мактаб ўқувчилари бошқарувчи вазифасини бажарадилар. Биргаликда ўтказган машғулотлар, ўйинлар кўпгина педагогик муаммоларни ҳал қилишга, айниқса, ҳозирги иқтисодий шароитда уларни бартараф этишга ёрдам беради.

Қисқача қилиб айтганда, лицейимиз ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш йўлида кенг қуламли изланишлар олиб бораётир.

Гулнора ҚЎЧҚОРОВА,
394-»Ором» болалар боғчасининг мудираси.

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Пойариқ туман халқ таълими бўлими ўз фаолиятини янада яхшилаш мақсадида хайрли бир ишни бошлади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бўлим қошида самарали ишлаётган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш ва матбуотда ёритишга кўмаклашувчи ижодий марказ тузилди.

Марказ ўз низомига, ойлик ва йиллик режаларига эга. Режаларда кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири мактаблар тарихи, бугуни ва эртасига бағишланган «Туман мактаблари» тўпламини тайёрлашдир.

Истеъдодли шоира-муаллима Ойгул Суюндикова бошқараётган ижодий марказ аъзоларининг эзгу ишларига муваффақият тилаймиз!

Қ. АБДУАЛИМОВ.

Миллий ғурур

СЎЗ ОЛМОСГА ЎХШАЙДИ

ЁХУД БАДИИЙ АСАРЛАРНИ ЎҚИТИШДА МУАЛЛИМ МАСЪУЛИЯТИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Мактабда кўп фанлар ўқитилади. Бироқ инсон онгини, одобахлоқини тарбиялашда бадиий адабиётнинг хизмати беқиёс. Шунинг учун адабиёт дарсларидаги ҳар бир мавзуга маънавий поклик билан ёндашиш шарт. Зеро, ҳар бир мавзуни ўқиш эмас, уни ўқиш, асар ғоясини тушуниш керак. Ҳар қандай бадиий асарда икки хил мазмун бор. Бири ташқи қиёфалар ва воқеалар, иккинчиси ўша воқеа орқали қандай урф-одат, миллий қадрият ҳамда умумбашарий ғояларни илгаб олишга қаратилган мазмун.

Бадиий адабиёт — сўз санъати, бизнингча, иккинчи шифохона! Адабиёт фани мактабдаги энг керакли ва энг кучли инсон онгини, тафаккурини, одоб-ахлоқини шакллантирадиган, даволайдиган, таъсир этадиган «дори-дармон». Шунинг учун бадиий асарни бефарқ ўқиб, кўр-кўрона тушунтириш ярамайди. Бефарқлик эса гуноҳлик!

Бадиий асарда «юқтириш» лозим бўлган ғояни ўқувчига етказиш керак. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, янги тузилган (истиқлолдан кейинги) бадиий адабиёт дастури ҳар томонлама пухта ва пишиқ қилиб тузилган. Бу дастурдаги барча мавзуларда миллий урф-одатга амал қилиш, миллий қадриятларни чуқур идрок этиш ва тушуниш учун киритилган фиқрлар мавжуд. Бу нарсани, аввало, ўқитувчининг ўзи яхши англаши, узлаштириши керак. Чунки ёнмасанг, ёндиролмайсан ёки ёнаётган одам ҳиссиётини ва дардини яхши тушунмайсан. Зиёкор самимий, ҳалол, пок, меҳнатсевар, камтарин бўлмас экан, у ўша ғоя акс эттирилган гапни, фикрни англаб олмайди, ололмайди.

Кўпчилик ўқитувчилар бадиий асарнинг қизиқарли сюжети — мазмунига эътибор беришади. Ваҳоланки, у ўша асар (ҳамма асарда бу нарса бор)да кўзда тутилган ғояни, мақсадни англаб олиши ва уни ўқувчи онгига етказиши зарур. Масалан, 6-синф дарслигига киритилган араб халқ эртакларидан («Минг бир кеча»дан) «Али бобо ва қирқ қароқчи эртаги киритилган. «Минг бир кеча» узоқ тарихий даврнинг маҳсули бўлиб, унинг яратилишида ҳинд, араб, эрон, туркий ва бошқа халқларнинг ҳам улуши бор. Шу сабабли, дарслик муаллифлари туркий образ «Али бобо»га доир эпизодни киритиб, катта олижаноб иш қилганлар. Чунки бу эртак қаҳрамонлари инсон ақли бовар қилмайдиган афсонавий ва ҳаётий жасоратлар кўрсатадилар, ҳақиқий инсонийлик, озодлик, маънавий поклик учун курашадилар ва бу кураш йўлида уддабуронлик ва тадбиркорлик билан мунофиқлик, эгрилик, ўғрилик, тубанлик, сотқинлик, қўрқоқлик, пасткашлик, ифвогарлик каби ижтимоий-маънавий иллатларга қарши беаёв курашадилар. Али бобо ва Маржонанинг ўзига хос фазилатлари китобхонни тўлқинлантиради, ўзига ром этиб, ижобий фазилатларини ўстиришга даъват этади... Бу эртак учун икки соат вақт берилган. Иложи борича биринчи дарсда «Минг бир кеча» эртагининг яратилиши, «Али бобо ва қирқ қароқчи...» эртагининг туркий халқлар урф-одатларига хослигини, эртак мазмуни ва сюжетини исталган услубда тушунтириш, кейинги соатда эса эртак қаҳрамони Маржонанинг қандай қилиб уйга келаётган меҳмон душман эканлигини аниқлаб олиши эслатилади. Албатта, Абдулла ва Али бобо азиз деб билган ўша шахс — Сардорнинг «...таомга туз солишмасин, тузни хуш кўрмайман ва исига тоқат қилолмайман», дейиши Маржонани сергаклантиради. Шу «туз» детали ўқувчиларга эслатилганда, халқимизда: «Бир кун туз ичган жойга — қирқ кун салом» сингари ҳикматли сўзлар ва тузга алоқадор (Бир подшо хазинасига кирган ўғрилар эшик остонаси олдига қўйилган тузни ялаб, хиёнат қилмай чиқиб кетгани каби) ривоятларни эслатиш даркор. Зеро, тузга хиёнат — бу энг оғир жиноят! Ҳатто Али бобо ва Абдулланинг душман деб билган, улар хонадонидан ўч олишга ўзини чоғлаган, уларни кўришга кўзи йўқ — ашаддий душман Сардор ҳам умуминсоний ва миллий урф-одатга амал қиляпти, тузга хиёнат катта гуноҳ эканлигидан қўрқяпти! Бир сўз билан айтганда, тузга хиёнат қилишдан кўра сири очилса-да, ўлимга тик боришга тайёр!

Ўқитувчи шу «туз» детали орқали кўп нарса: кўпроқ Шарқ мамлакатларида бир давлат раҳбарлари иккинчи давлатга борганда нон ва туз билан кутиб олишларини эслатиш; «тузини ичиб, тузлуғига тупурма» каби ўнлаб халқ мақолларини ўқувчи онгига сингдириши даркор.

Халқимизда асрлар синовидан ўтиб, сайқал топиб, бизгача етиб келган расм-русмларимиз ва анъаналаримизни акс эттирадиган, халқимиз яратган ҳикматли сўзлар, мақоллар борким, уларни ёдлаш, уларга амал қилиш муқаддас бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Бундай пурҳикматларни шоир ва ёзувчилар, олимлар ўз асарлари қатига қистириб кетадилар. Масалан, Эркин Воҳидовнинг «Дўст билан обод уйинг» шеъридаги «Гар оёқ қўйса қабоҳат, йиглагай остона ҳам» (Рост-да, уйингизга кирган шахснинг қалбида сизга нисбатан нима бор: дўстликми ё душманлик буни билмайсиз! Аммо тилсиз остонангиз сезиши, билиши мумкин-ку!) «Гоҳи душманлик қилурлар қўл сиқиб дўстона ҳам» каби образли мисраларини кўрсатиш мумкин...

Кейинги ярим асрдан зиёдроқ вақт ичида биз туркий халқлар муқаддас динимиздан анча узоқлашганимиз сир эмас! Динга боғлаб эса жуда кўп миллий урф-одатларимиз, минг-минг йиллар синовидан ўтган анъаналаримиз, қадриятларимиз унутилди, оёқ ости қилиниб, топталди...

Ўқувчини ёшликдан умумбашарий (бутун инсониятга доир) урф-одатлар, анъаналар, тамоиллар, расм-русмлар руҳида тарбиялаш, улар онгига булар моҳиятини сингдириш барча зиёкорнинг муқаддас бурчидир. Ҳамма бадиий асарларда (у шеърийми ё насрийми ёки драматик асарми, қатъи назар) ҳам озми-кўпми умумбашарий ёки миллий расм-русмларга оид деталлар бор. Гап ўша детални ёки ўша бадиий асарда муаллиф томонидан тилга олиниб, ургу берилиб ўтилган сўз ёки гапни илгаб олишда!

Сўз ва гап кўп қиррали олмоса ўхшайди. Шунинг учун бадиий адабиёт сўз санъати деб таъкидланган, тан олинган. Бадиий асарнинг «йиглатиш» ёки «кулдириш» хислати ҳам ана шунда, ўқиётган нарсанг «қатида» яширинган ҳиссий таъсирни сезиб —«юқтириб», ундан хулоса чиқаришда. Бу ўринда, аввало, ўқувчи онгида миллий ғурур туйғусини уйғотиш керак. Шахсий манфаатдан миллий ғурурини юқори қўйган инсондагина миллий ифтихор — ўз миллатининг ўтмиши ва ҳозири билан фахрланиш туйғуси вужудга келади.

Миллий мафкурани шакллантиришда, соғлом авлодни тарбиялашда ўзбек миллатимизга ёт бўлган лоқайдлик, мутелик, меҳр—оқибатсизлик, ота-онага ҳурматсизлик, тузга, нонга, Ватанга, дўстга хиёнат каби ижтимоий иллатлардан қутулиш зарур. Шунинг учун ҳар бир асарни ўқишгина эмас, унинг магзини чақиш —асардан англашиладиган ғояни тушуниш ва уни ўқувчига етказиш, шу билан бирга ҳар қандай бадиий асардаги умумбашарий, умуминсоний қадриятлар билан миллий қадриятлар чатишиб кетганлигини атрофлича тушунтириш ҳам ўқитувчининг вазифаси, ҳам инсоний бурчи ҳисобланади.

Сафар УМУРЗОҚОВ,
Навоий вилояти Нурота туманидаги 7-ўрта мактабнинг олий тоифали тил-адабиёт ўқитувчиси, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби.

ҲАР ҚАДАМДА БИТТА ТЎЙ

Ҳамза туманидаги Огаҳий номли 216-ўрта мактабда Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига бағишлаб «Замон ардоқлайди Соҳибқиронни» мавзусида кеча ўтказилди. Уни туман халқ таълими бўлими мудири И. Зокиров кириш сўзи билан очди. Йиғилишда тарихшунос олимлар Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб бердилар.

Кеча сўнгида Бахтиёр Шокиров раҳбарлигидаги «Сарбон» дастасининг дилрабо куй-қўшиқлари даврага файз киритди.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БАНК УЮШМАСИ — ўз касб манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида тузилган ҳусусий банклар бирлашмаси.

БАНК-ГАРАНТ — ўз мижози учун кафил бўлган банк. Мижозлар топшириғи бўйича ва уларнинг ҳисобидан ҳамда мухбир банклар ҳисобидан кафолат беради.

БАНК УТКАЗМАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲИСОБ-КИТОБЛАР — ташқи савдо муомаласида қўлланиладиган ҳисоб-китоблар. Бундай ҳисоб-китобларда экспортчилар импортчиларга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, даъволар ва б. ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб варақаси ва б. ҳужжатлар юборадилар. Бу ҳужжатлар асосида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлайдиганлар ўз банкларига экспортчи ёки кредиторлар ҳисобига пул ўтказиш тўғрисида тўлов топшириқлари юборадилар.

БАНКДАГИ ПУЛ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ — инфляция юз бериб нархлар ошиб бориши натижасида банкка қўйилган пул жамғармалари харид қобилиятининг пасайиб бориши. Нархлар ошгач, банкдаги пулнинг товар билан таъминланиши камаяди, чунки пул бирлигининг қурби пасаяди. Банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланиши нарх ошиши билан омонат учун банк берадиган процент ставкасининг ўсиши ўртасидаги нисбатга бевосита боғлиқ бўлади. Агар нарх банк тўлайдиган процентга нисбатан тезроқ ўсса, банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланиши юз беради; агар процентнинг йиллик нормаси 5% бўлиб, нарх-наво 8% ошса, банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланиши 3% га тенг бўлади. Шу сабабли процентни ошириш инфляцияга қарши тадбирлар доирасига киради. 1991 йил 1 апрелда собиқ СССРда нархлар ўртача 40% ошганлиги муносабати билан банкдаги пул қадрсизланишини қоплаш учун пул жамғармалари миқдори ҳам 40% га кўпайтирилди. Инфляция шароитида пулни банкка жалб этиш учун банкка қўйилган пул ҳам индексация этилади, яъни пул қадрининг тушишига қараб банкдаги пул жамғармаси суммаси оширилади.

БАНКИРЛАР ЎЙИ — айрим банкир ёки банкирлар гуруҳига тегишли ҳусусий банк корхоналари; одатда масъулияти чекланмаган ширкатга бирлашган бўлади.

БАНКНОТЛАР, банк билетлари, кредит билетлари — марказий эмиссия банклари томонидан чиқарилади ган қоғоз пуллар. Банк билетлари давлатнинг аҳолига сотадиган товарлари ва давлатнинг олтин заҳирасига асосланади. Улар олтин, қиймматбаҳо металлар ва давлат банкининг бошқа активлари билан таъминланади. МДҲга банкнотлар 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000 рубль қийматли банк билетларида муомалага чиқарилади ва улар танга ва чақаларга майдаланади (1993, январь).

БАНКРОТЛИК (итал. — айнан синган курси), синиш — фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағ етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги. Банкротликка учрашнинг сабаблари товар ишлаб чиқаришда қиймат қонунининг амал қилиши рақобат ва инфляция билан белгиланади. Корхонанинг банкрот деб эълон қилиниши унга нисбатан қатор саниралаш тадбирларини амалга оширишни, унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни кўзда тутади. Бозор шароитида давлат томонидан банкрот корхоналар асосан ўз аҳволларини яхшилаб олишлари учун кўмак тарзида бир қатор тадбирлар кўрилади. Банкрот деб эълон қилинган корхоналар шу корхона асосан жамоа аъзоларига ижарага берилиши ёки бошқа корхоналарга сотилиши, улар билан бирлашиб кетиши мумкин.

(Давоми бор).

Эҳтиром

ОЛИМА БЎЛИШ ОСОНМИ?

Олимлар кўп, олималарчи? Унчалик эмас. Чунки фанда янгилик яратиш нина билан қудуқ қазишдек гап бўлгани боис

МУҲАББАТ

Ёшликда Барчиннинг сочин силаган,
Мажнундек тунлари тинмай йиглаган.
Тоҳирнинг танглайин тунда эмлаган,
Қайдасан муҳаббат, ёшлигим боши.

Чаман деб гулларни кўзимга ёйдинг,
Ёрнинг тимсолини ясадинг ойдин.
Кўзларим намлаган сув бердинг сойдин,
Қайдасан муҳаббат, кўзимнинг ёши.

Гоҳо отганларинг маломат тоши,
Ишваю ноз, фироқ — аломат тоши.
Ошиқнинг маъшуқсиз заҳардир оши,
Қайдасан муҳаббат, дилим сирдоши.

Йигирмада елпиниб сенга етмадим,
Уттизда сен мени ташлаб кетмадинг,
Эллиқда мен сенга яна бетладим,
Муҳаббат, муҳаббат — қалбим қуёши!

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ.

Нафосат

САНЪАТ СЕҲРИ

Нормаҳматжон мусиқага ёшликдан меҳр қўйди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида мусиқа ўқитувчиси билан ҳамкорликда бир неча куйларни мустақил чалиб, ўқувчиларнинг олқишига сазовор бўлганди. Санъатга бўлган ҳаваси уни Қарши шаҳридаги мусиқа техникумига етаклади.

Техникумни муваффақиятли тугаллаган ёш йигит дастлаб Яккабоғ туманидаги Охундов номидаги ўрта мактабда, 1984 йилдан буён эса ибн Сино номидаги 26-ўрта мактабда ёшларга мусиқа фанидан таълим бераяпти. Ўзбек миллий асбобларидан бир нечтасини чалишни пухта эгаллаган Нормаҳматжон Ҳуррамов болаларни қўшиқ сирлари билан ҳам ошно қила бошлади.

Устоз муаллим дастур асосида билим бериш билан бирга 30 нафар талаба иштирокида концерт бригадаси ташкил этишга муваффақ бўлди. 1988 йилда республика бўйлаб ташкил этилган Ташвиқот поезди билан концерт қўйиш шарафига муяссар бўлишди, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах ва бошқа вилоятларда ўз истеъдодларини намойиш қилишди.

Нормаҳматжон Ҳуррамов ўқувчиларнинг яна бир орзуга эришишига етакчилик қилди. Улар 1990 йил республика телевидениесининг «Булбулча-90» кўрик-танловида энг яхши танланган қўшиқ дастурлари билан совринли ўринни эгаллашди. Шунингдек, истеъдодли ёшлар 1993 йилда Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабзда ўтказилган вилоят танловида рақс санъати бўйича иккинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Ҳозирги пайтда мактабда 36 нафар ўқувчи иштирокида «Орзу» дастаси фаолият кўрсатмоқда.

Хайрулла ТЎРАЕВ.



Футбол энг оммавий ва халқимиз севган ўйинлардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, болаларнинг футболга меҳри беқиёс.

Тошкент шаҳридаги 110-ўрта мактаб билан Шароф Рашидов номли маҳалла ҳамкорлигида тузилган болалар футбол жамоасида 1981-82 йилда туғилган болалар ўйнашади. Унга иқтидорли мутахассис, «Пахтакор»нинг собиқ ўйинчиси Виллиям Қаҳҳоров жамоатчилик асосида тренерлик қилаётир. Ёш футболчилар ҳозирданоқ бир неча ютуқларни қўлга киритишди.

Суратларда: машғулотлардан лавҳалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Янги нашрлар

АХБОРОТНОМА

Ўзбекиситон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази «Ахборотнома»сининг илк сони нашрдан чиқди. Журнал ўз саҳифаларида Ўзбекистонда тест усулидан фойдаланилишига оид расмий ҳужжатлар, методик йўриқномалар, илмий материаллар, турли соҳаларда тестларнинг яратилиши ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тажрибалар ёритиб борилади. У ўзбек ва рус тилларида чиқади.

«Ахборотнома»нинг биринчи сонида тест синовидан ўтказиш бўйича республика илмий-методик кенгаши тўғрисида Низом, «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танлови ҳақида мақола, 1996 йилда фойдаланиладиган янги жавоб варақасининг намунаси ва абитуриентларга уни тўлдириш бўйича йўриқнома берилган.

Шунингдек, она тили, математика, химия, биология фанларидан тест саволлари ҳамда уларга берилган изоҳ билан танишасиз.

Журналнинг келгуси сонларида (1996 йилги тест синовларигача 7-8 та сонда, ҳар бири 50 минг нусхада) барча фанлардан тест саволларини бериш мўлжалланмоқда. Тест синовлари шу саволлар асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги журналнинг кўп қисмини сотиб олади. Шу йўл билан мактаб ҳамда ҲТБЮлари битирувчиларига нашр етказиб берилади.

Давлат тест марказининг Қорақалпоғистондаги ҳамда вилоятлардаги вакиллари барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларига журнални олишда ёрдам беришлари мумкин. Чунки унда қабул комиссиясининг зарурий ҳужжатлари чоп этилиб борилади.

Ўқув юртлари мустақил тарзда Давлат тест маркази ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан журналнинг барча сонларидан керагича олишлари мумкин.

Шунингдек, республикамиз педагогларининг бизга ушбу тест саволларини тажрибадан ўтказишга ёрдам беришига, натижаларини жўнатишига умид қиламиз.

Журнал Ўзбекистон Мустақиллигининг бешинчи йилида ўз фаолиятини бошлади. Ишонамизки, бу нашримиз давлатимиз илмий салоҳиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ.

Акс садо

ЧАВАНДОЗЛАР МАКТАБИ

ЁХУД «ОҚРАБОТНИНГ ОТ МИНГАН БОЛАЛАРИ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

«Маърифат» газетасининг шу йил 2 март сонида Абдували Обиддинов Деҳқонобод туманидаги мактабларда боболаримизнинг чавандозлик, улоқчилик ҳунарини эъзозлаб ўрганишаётгани ва бу соҳада халқ амалий санъати намуналарини тўплаб, миллий қадриятларимизнинг тикланишига муносиб улуш қўшаётганлари ҳақида тўлқинланиб ёзади. Чавандозлик азал-азалдан ўзбекнинг қонида бор. Отнинг инсонга дўстлиги ҳақида мусулмон оламида шунчалик нодир ривоятлар кўпки, уларни тинглаган сайин отни қадрлаган миллат вакили эканлигингдан кўксинг узра фахр ва ифтихор туйғулари қуйилиб келаверади.

От бениҳоя шарофатли ҳайвон. Қадим манбаларда айтилишича, у Одам Атодан бир кун аввал, яъни Пайшанба куни яратилган ва Тангри Таолло унинг ҳилқатини Қибланинг шамолидан яратган эмиш... Маккайи Мукаррама бунёд этилмагунча отлар ёввойи ҳолда яшаган экан. Қачонки, Исмоил алайҳиссалом Маккани бино қилгач, Тангри Таолло унинг хизматлари эвазига мукофот тарзида чўлдаги ёввойи отларни мингги қилиш, буйсундириш вазифасини инъом этган. Кўпкарининг келиб чиқиши ҳақидаги ривоят ҳам қизиқарли. Биби Фотима онамиздан сўрадилар:

— Мусулмончилик учун кураш жангу жадалсиз кечмаяпти. От билан йигитнинг зўрини эл орасидан ажратиб олиш эса анча қийин кечмоқда?

— Катта майдонга от минган йигитларни йиғинг-да, ўртага шайтонни сўйиб ташланглар...

— Шайтон недур?

— Шохли улоқ ёки эчкини шайтонга менгзайдилар. Шайтоннинг бўйнини синдириш — уни маҳв этиш мусулмоннинг шон-шараф иши.

Шу-шу бўлди-ю, мусулмонлар ўртасига кўпкари расм бўлди. Кўпкари паҳлавон йигитларни, тулпор отларни саралаб, ажратиб берадиган ўзига хос спорт тури сифатида асрдан-асрга ўтиб бизгача етиб келди. Мустақиллигимиз туфайли мазкур спорт турига эътибор янада кучайди. Мамлакатимиз вилоятларида кўпкари ҳар хил кўринишда, жумладан, Жиззахда пойгага ўхшаш тарзда, Қашқадарё ва Сурхондарёда эса кўпинча улоқни тўдадан ажратиб чиқариш йўсинида олиб борилади. Демак, ҳар бир вилоятнинг кўпкари соҳасида ўз анъаналари мавжуд экан.

Қашқадарё кўпкариси тўйларнинг кўрки. Вилоятнинг деярли барча туманларида тўйлар кўпкарисиз ўтмайди. Чироқчилик Жамолхон чавандоз, Нормўмин чавандоз, китоблик Файзулла чавандозларнинг номи қўшни вилоятларда ҳам машҳур. Бироқ чавандозлик ҳунари худди миллий курашдаги каби фақат тўй кураши ёки кўпкариси тарзида ўз—ўзидан табиий ҳолда ривожланмоқда. Қуш уясида кўрганини қиладди, қабилида чавандоз хонадонидан чавандоз, наслида полвон бўлган оиладан полвон чиқиб келаётгани билан қаноатланиш урнига ўзбек чавандозлиги ёки миллий курашини дунё миқёсига олиб чиқиш учун қайғуриш вақти келмадимикан? Қашқадарёдай полвонлар ёки чавандозлар юртида от спорти ёки чавандозлик мактабининг йўқлигини қандай баҳолаш мумкин!

От спорти мактабини очиш учун Қарши шаҳридаги вилоят отчопарида ҳам, Яккабоғ туманидаги «Ҳисор» жамоа ширкат хўжалигида ҳам шарт-шароит етарли. Чавандозликни ўргатадиган мураббийлар ҳам топилади. Менимча, очиладиган бу мактаб болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарзида вилоят миқёсида иқтидорли ўқувчиларни тўплаб, жаҳон от спорти анъаналари дастурини ўргатиш билан бирга миллий чавандозлик сирларидан воқиф этиб, от билан муомала қилиш санъатини эгаллаш ва моҳир чавандозлар тайёрлаб беришдан иборат бўлиши керак. Соғлом авлод учун дастури ҳам шуни тақозо этади.

Ғози РАҲМОН,
ёзувчи.

Хулласи...

«ЖАРРОҲ» ОТА

Дунё қизиқ-да. Унда нималар бўлмайди, дейсиз? Татаристоннинг Чистопол туманидаги «Юлдуз» совхози директори хонадонида антиқа воқеа содир бўлди. Эрталаб чолу кампир телевизор кўриб ўтиришарди, ошхонада эса ўғил (у ҳам директор, фақат дўконда) шошиб овқатланарди. Ногаҳон ошхонадан гурсиллаган овоз эшитилди. Ўғил ҳушидан кетиб, хириллаганча ерда ётарди. Шу заҳотиёқ унга «ташхис» қўйган «жарроҳ» ота кампири чақирган «тез ёрдам»нинг улгурмаслигига кўзи етиб ошпичоқ билан ўғлини «операция» қилди ва томоғига тиқилган луқмадан халос этди. Касалхонада ярадорга тегишли ёрдам беришиб, суйилган жойини боплаб тикиб қўйишди. Ҳозир ота-бола директорлар яна бир янги туғилган кунларини нишонлашяпти, деб ёзади «Труд».

ЭНДИ «КАРРА-КАРРА»НИ ҚАЙТАДАН ЁДЛАЙДИ

Россиянинг Свердлов вилояти қишлоқларининг бирида Андрей исмли ўқувчи кабутарлар овлаш ниятида ғалла омборхонасига «ташриф» буюрди. Якуний хулоса шу бўлдики, у етти метр баландликдан дон қуритгичнинг устига йиқилди. Уч қовурғаси синди, мияси чайқалиб, хотирасига зарар етди. Энди кўпайтириш жадвалини ҳам қайтадан ёдлайдиган бўлди.

Алқисса, бугун озод бўлган давлатларни қафасга қамашни ният қилган россиялик айрим шовинистлар қушни ушлаб қафасга солмоқчи бўлган болакайнинг ахволидан воқиф бўлсалар фойдадан холи бўлмасди.

ОДАМНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

«Одамзоднинг аждоди қуён гавдаси ҳажмида, боши эса стол тенниси коптогидек бўлган», деган шовшувли хабарни Хитой ва Америка полеантологлари тарқатишди. Хуанхе дарёси қирғоғидан бу қушма экспедиция аъзолари топган жаг таҳлили Хитойнинг бу ҳудудида 40 миллион (!) йил аввал одам ва одамсимон маймунлар мавжуд бўлганлигини кўрсатибди. Шу пайтгача илмда мавжуд исботлар 35 миллион йил аввалги одам ҳақида маълумот берарди. Мана унга яна 5 миллион йил қўшилди. Бу ёгини энди худо билади...

КЛИНТОН КИНОДА ЎЙНАМОҚЧИ

Ҳа, шундай. Фақат у ўзини ўйнамоқчи. Аниқроғи, АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Вашингтондаги Си-Би-Эс компанияси «Боланинг хоҳиши» фильмига таклиф қилганда у эпизод ролида ўзини ўйнашга розилик билдирди. Гап шундаки, фильмда рак билан касалланиб, бу бедаво дард билан курашаётган, отаси ишдан ноҳақ бўшатилган, оиласи оғир турмуш кечираётган қизчада президент билан учрашиш, унга дардларини айтиш истаги туғилади ва учрашади ҳам... Бундай шароитда Билл Клинтон давлат бошқарувининг тутган ўрнини кўрсатиш жуда зарур деб ҳисоблади ва роль ижро этишга рози бўлди.

ана шунақа гаплар.

Таъкид

ЭРТАКЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Халқ оғзаки ижоди мисоли бир хазина бўлса, халқ эртаклари шу хазина ичида инсонни ўзига тортадиган митти дурларга ўхшайди.

Чиндан ҳам халқ эртаклари ранг-баранг бўлиб, инсон кечинмаларининг маҳсули асосида яратилгандир. Айниқса, ҳаётий-маиший эртаклар содда тили, ҳаётийлиги билан ўқувчи диққатини тезда ўзига тортади. Бу турдаги эртакларда ҳаётий воқеалар етакчилик қилади. Уларда ижтимоий тенгсизлик қораланади, ҳақиқат ғалаба қилади. Эртаклар ўз мухлисининг қайси ёшдалигидан қатъи назар, уни доим эзгулик томон етаклайди. Энг муҳими, ростгўй, ҳалол, меҳнатсевар бўлишга, қийинчиликдан қўрқмаслик каби ижобий фазилатларни камол топтиришда аҳамияти беқиёсдир. Бугунги кунга қадар фольклоршунос олимларимиз томонидан халқимизнинг ноёб дурдонаси бўлмиш жуда кўплаб эртаклар ёзиб олинди, ўрганилди ва китоб ҳолида нашр этилмоқда.

Ҳаммамизга яхши маълум бўлган «Уч оғайни ботирлар» («Чалпак ёққан кун», «Юлдузча» нашриёти, 1987, 60-бет) ва «Уч оғайни» («Уч оғайни», ЎзРФА фольклор архивидан, 266-268-бетлар) эртагини мисол тариқасида олсак. Бу иккала эртакнинг номидан ҳам кўринииб турибдики, унда уч ака-укаларнинг саргузаштлари ҳикоя қилинади. Бу эртакларда она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғуси, меҳр-оқибат, ҳалоллик, тўғрилик улугланади. Маккорлик, ёвузлик, жоҳиллик қораланади.

«Уч оғайни ботирлар» эртагида ота насиҳати бош ғоя бўлиб, шу асосда ака-укаларнинг ички дунёси яққол кўриниб бораверади. Бу эртакнинг сюжет асосини ташкил этган воқеалар ҳам табиий. Бу турдаги эртакларда бош қаҳрамон ҳамма нарсага қодир. «Уч оғайни ботирлар»нинг сюжет чизиги икки йўналишли бўлиб, улар узаро мантиқан боғланганлигдир.

«Уч оғайни» эртагида воқеалар ғайритабиий, қаҳрамон ҳаракати сеҳр-жоду, мўъжиза билан боғланган бўлса-да, етакчи қаҳрамон орқали эртак ғояси, ватанпарварлик кенг ёритилган. Қаҳрамон — сўзамол, тадбиркор, журъаткор йигит. У қийин аҳволда қолганда ҳам рақиб устидан ақл билан ғалаба қилишга интилади. Ундаги сирли ёрдамчиларнинг алоҳида ўрни бор. Улар эртак ривожини тезлаштириб, адолат учун хизмат қилади. Сирли ёрдамчилар иштирок этган эпизодни ўқиб «Бировга яхшилик қилсанг, яхшилик қайтади» деган нақлий маъно эсга келади.

Ҳар икки эртак қаҳрамонлари ўзига хос маърифий маъноларда акс этади. Қаҳрамонларда меҳр-оқибат, ота-онага ҳурмат кучли. Эртакларда ақл, идрок, тадбиркорлик улугланади.

Идеал ғоялар ака-укаларнинг мақсадларига етишида, бир-бирига билмаганини билдириш, бир-бирини қўллаб-қувватлашда кўринади. Хуллас, бу икки эртак қаҳрамонларининг ўз Ватанига меҳр-муҳаббати, уни севиш туйғуси кучли бўлиб, тингловчини ақлидроклик, меҳнатсевар бўлишга, билимдон ва доим аҳилликка даъват этиш ғоялари мақсад қилиб қўйилган. Иккала эртакда ҳам золимлар зулми, маккорнинг макри мағлуб бўлади. Меҳнаткаш инсон эзгу ниятларига етади.

Эртаклар халқ оғзаки ижодининг бошқа турлари каби халқчил ғоявийлиги, аниқ мақсадга йўналгани, маънавий бойлиги, ғузаллиги билан кенг китобхон оммасини ўзига ром этади.

Матлуба САИДАЗИМОВА,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти ходими.

Соғлом авлод учун

«ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, БОЛАЖОН!»

Фарзандинг тўрт мучаси соғ-омон дунёга келсин. Унинг бу мунаввар оламни кўра олиши, товушларни эшитиши, нутқ ирод этиши, ўз ақлу идроки билан ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага муносабат билдириши ана шу азалий шарт билан тамоман боғлиқдир.

Борди-ю у ақлан заиф бўлиб дунёга келса-чи? Кўзлари теварак-атрофни, борлиқни кўра олмаса-чи? Эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлиб туғилса-чи? Ёки бўлмаса тўма ногиронлик... Ҳаётда нималар бўлмайди, бу аччиқ тасодифлар қаршисида миттигина гўдакнинг заррача ҳам гуноҳи йўқдир. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, майиб-мажруҳ, ақли заиф, кўзи ожиз, соқов, кар бўлиб туғилиш, аввало, наслнинг даражаси, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки сайёрамизда экологик ҳолатнинг издан чиқиши билан боғлиқ. Ҳар неки бўлганда ҳам, соғлигида нуқсони бўлган бундай болалар ҳаётни ўзгалардан кўпроқ севадилар. Ташналик, ҳаётсеварлик қулф урган бу жажжи юрак руҳий мададга, бир оғиз ширин каломга, ҳовуч-ҳовуч меҳрга зор бўлиб туради. Суҳбатимиз ана шулар хусусида бўлди.

Суҳбатдошимизнинг қисқагина тавсифи: Рихсинисо Шомаҳмудова, дефектолог, Москва давлат педагогика институти дефектология факультетининг логопед бўлимини 1968 йилда битирган. 1991 йилда илмий ишини ҳимоя қилиб педагогика фанлари номзоди унвонига эга бўлган. Ўз соҳасига оид иш стажи 28 йил. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Р. Шомаҳмудова айни вақтда Таълим илмий-методика маркази махсус лабораторияси мудиридир.

— Рихсинисо опа, сиз етакчи дефектологлардан бирисиз. Соғлигида нуқсони бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитишдан қандай манфаатлар бор, деб ўйлайсиз?

— Гўдакни фариштага қиёслагим келади. У туғилган заҳоти яшаш учун кураша бошлайди. Биз тилга олаётган ёрдамга муҳтож болалар ҳам бу курашдан четда қолмайдилар. Ахир улар ҳам тирик жон. Ҳамма нарсадан баҳраманд бўлгиси келади уларнинг ҳам. Аммо табиат уларни қисиб қўйганидан эзиладилар. Эшитиш, кўриш, ҳис қилиш, англаш қобилияти уларда мужассам эмас. Ҳар лаҳзада ёрдамга муҳтож бундай болалар кўпчиликнинг назарида ҳеч кимга керак эмасдек, уларнинг турган-битгани зарардек туюлади. Сизнинг саволингиздан ҳам шу маъноии уққандек бўлдим. Бизда тарғибот-ташвиқот ишлари анчайин суст. Масалага кўпинча бир ёқлама қараймиз. Шу туфайли оммавий ахборот воситаларида бу мавзудаги чиқишлар кам.

Аввало,инсоний меҳр-оқибат, мурувват, саховат, меҳрибонлик ҳар нарсадан устун қўйиладиган бизнинг жамиятда ёрдамга муҳтожлар қуршовга олинганини таъкидламоқчиман. Ахир нуқсон билан дунёга келган болани кўкрагидан итариш гуноҳи азим эмасми? Қолаверса, соғлигида стишмовчилиги бўлган болалар орасида ҳам сиз билан бизни ҳайратда қолдирадиган истеъдодлар кўплаб учрайди. Фикримни исботлайман. Архитектор Зотов, психолог Турсунов, ёзувчи В. Гофуровларни эсланг. Қўқонлик Раҳматжон Охунов кўриш қобилиятидан мутлақо маҳрум бўлгани ҳолда тефлопедагогика фанлари номзодлиги ишини ҳимоя қилди. Ахир, уларнинг соғлигида жиддий нуқсонлари бор эди. Шунга қарамай, уларнинг ҳаёти инсон истеъдоди нақадар кенг ва чексиз имкониятларни ишга солишга қодир эканлигини кўрсатиб турибди.

Баъзан ўйга толаман. Ота-онасининг бағрида яхши еб-ичиб улғайган бола на ўқиб бирор соҳани эгаллайди, на қандайдир ҳунар эгаси бўлади. У тайёр ошга бсковул бўлиб, ҳаёт уммонига кириб боради. Лекин кўзлари ожиз бир болакай тинмасдан китоб ўқийди, изланади. Ёки қулоғи яхши эшитмайдиган қизча асбобда шу қадар чаққонлик билан кийим тўқийдики, ҳайратдан оғзингиз очилиши турган гап. Сўзлаш бахтидан бенасиб болакай эса қўлига мўйқалам тутиб, оламни идрок этишга интилади. Ҳаётнинг мактаблиги шу бўлса керак-да. Гап инсоннинг нуқсонли ёки нуқсонсиз бўлиб яшаши ҳақида эмас, балки ироданинг у ёки бу даражада намоён бўлишида...

— Республикамизда «Соғлом авлод учун» дастури амалга оширилаётир. Оналик ва болалик муҳофазаси, ақлий ва жисмоний баркамоллик ана шу умумдавлат дастурининг негизидир. Мутахассис сифатида ёрдамга муҳтож болалар билан ишлашнинг аҳволига қандай баҳо берасиз?

— Республикамиз миқёсида демоқчисиз-да? «Соғлом авлод учун» дастури умумдавлат, умумхалқ манфаатларини қўлашини назарда тутадиган бўлсам, болалари соғлом юртнинг келажаги ҳам порлоқдир. Давлатимизнинг ёш авлод ҳақидаги ғамхўрлиги барчамизга ҳам маълум. «Соғлом авлод учун» I ва II даражали орденларининг таъсис этилиши ижобий воқеадир. Чиндан ҳам болалар илиги бақувват, ақли тетик бўлиб улғайишини барча ота-оналар исташади.

Ақлан ва жисмонан заиф, сезиш, кўриш, эшитиш қобилиятидан бенасиб болаликни асраш, даставвал, инсоний бурчни англаш деганидир. Дефектология соҳаси билан узоқ йиллардан бери шуғулланиш менга шундай хулоса берадики, биз бу каби болаларга ҳар қадамда, ҳар лаҳзада кўмак беришимиз керак. Уларнинг шароитини ўз ҳисобидан ташкиллаштириш ғояси илгари сурилган эди. Ҳозир бу дастурда белгиланган вазифалар тўлиқ уддаланди, деб айта оламан. Яна шуни қувонч билан таъкидлаш ўринлики, «Брайл» усулидаги «Алифбе» дарслиги ҳам қўлга тегди.

Лабораториямиз республика миқёсида 8 та йўналишга эга вазифалар устида ишламоқда. Ҳаракат мувозанати суст, кўзи ожиз, эшитиш қобилияти суст, ақли заиф, ёрдамга муҳтож ва ҳоказо йўналишлар шулар жумласидан. Махсус мактаб-интернатларни ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бир оғиз ширин сўз ҳам малҳам бўлади. Яшамоқ бахтига муяссар бўлган экан, азият чекиб бўлса-да, бу ёруғ жаҳонда умргузаронлик қилиш энг олий неъмат эканлигини ул гўдак қалбларга тушунтиришимиз керак, деб ўйлайман.

Республикамизда ҳозирги вақтда жами 84 та махсус мактаб-интернатлар мавжуд. Уларга 30 минг нафарга яқин болалар жалб қилинган. Умумтаълим мактаблари қошида нутқи яхши ривожланмаган болалар учун 200 дан зиёд махсус синфлар фаолият кўрсатаётир. Бу айримларга салмоқли рақам бўлиб туюлиши мумкин. Лекин махсус мактаб-интернатларга жалб қилинмаган болаларимиз қанча экан? Буни ҳеч биримиз айтиб беролмаймиз. Чунки чекка-чекка қишлоқларда бундай таълим масканларига ўз фарзандларини юборишни ор билиб юрган ёки бунинг йўл-йўриғини тополмаётган ота-оналаримиз йўқ дейсизми?

Лабораториямизда «Истиқболли дефектология» дастури ишлаб чиқилган бўлиб, бу таълим тизимини тарбия жараёни билан уйғунлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Биз бу дастурни «Саводхонлик йили» деб эълон қилинган 1991 йилда ишлаб чиққан эдик. Асосий мақсад шундан иборатки, дастурга мувофиқ, махсус муассасаларда алоҳида жиҳозлар билан таъминланиши керак. Алоҳида дарслик ва қўлланмаларни ўқувчиларга тарқатиш ҳам кўзда тутилган эди. Таълим-тарбия ишларини махсус концепция асосида ташкиллаштириш ғояси илгари сурилган эди. Ҳозир бу дастурда белгиланган вазифалар тўлиқ уддаланди, деб айта оламан. Яна шуни қувонч билан таъкидлаш ўринлики, «Брайл» усулидаги «Алифбе» дарслиги ҳам қўлга тегди.

Лабораториямиз республика миқёсида 8 та йўналишга эга вазифалар устида ишламоқда. Ҳаракат мувозанати суст, кўзи ожиз, эшитиш қобилияти суст, ақли заиф, ёрдамга муҳтож ва ҳоказо йўналишлар шулар жумласидан. Махсус мактаб-интернатларни ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, мактабгача тарбия ёшидан то олий ўқув юртигача бўлган даврни ўз ичига олган узлуксиз таълимни жорий этишга эътиборимизни қаратмоқдамиз.

—Сиз яқинда Австралия, аввалроқ эса Буюк Британия далаларида бўлиб қайтдингиз. Қандай фикрдасиз, уларнинг биздан фарқли жиҳатлари кўпми?

—Хорижий давлатлар кўпчилигимизга жаннат бўлиб туюлади. Гўёки уларда ҳамма нарса муҳайё. Лекин ҳақиқатан ҳам шундайми? Кузатишларимдан келиб чиқиб гапирадиган бўлсам, бизнинг махсус мактаб-интернатларимиздаги ўқитиш ишлари уларникидан анча дуруст. Вена шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг илм-фан бўлими томонидан уюштирилган «Ёрдамга муҳтож, ногирон соқов болаларни ўқитиш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда қатнашишга муяссар бўлдим. Анжуманда 20 та давлатнинг вакиллари иштирок этишди. Унда 8 та давлатнинг иш услуби муҳокама қилинди. 5 кунлик анжуман давомида Обервар шаҳридаги бошланғич ва ўрта мактабларнинг дарс жараёнида қатнашиб, у ерда соғлом ўқувчилар орасида ногирон болалар ҳам ўқиётганининг гувоҳи бўлдик. Интеграция, яъни биргаликда ўқитиш Канада, Англия, Чили, Испания, Италия, Лотин Америкаси, Зимбабве ва Венгрия давлатларида кенг қўлланилар экан. Интеграция усулида ўқитиш нуқсонга эга болаларнинг соғлом тенгдошларидан мутлақо камситилмаслигини ўз олдига мақсад қилиб қўйгани билан характерланади.

Англияда ногирон болалар туғилган оилага эътибор катта. Касал болаларни ҳаётга тайёрлаш оиладан бошланади. Бу масала бўйича кўзи ожизлар учун қироллик институтида 17 кишидан иборат соғломлаштириш хизмати маркази фаолият кўрсатади. Бу марказ мутахассислари жойларга бориб, ота-оналарни турли хил адабиётлар ва техник воситалар билан таъминлайдилар. Кўзи ожиз болаларга теварак-атрофда, кўчаларда эркин ҳаракат қилиш, юриш қоидаларини ўргатиш, маиший хизматларни амалга ошириш бўйича махсус «мобил» дарси ҳам жорий қилинган бўлиб, ҳар бир бола билан якка тартибда иш олиб борилар экан. Лондондаги муниципалитет, яъни ҳокимият ўз ҳудудида жойлашган мактаб-интернат ва коллежни иқтисодий жиҳатдан тўла таъминлайди. Ота-оналар ўқиш учун болаларига ҳақ тўлашмайди. Аммо усти-бош билан таъминлашдан бош тортмайдилар.

Бир сўз билан айтганда, хорижий давлатларнинг ногирон болаларга муносабати худди биздагидек. Фақат уларда техник жиҳозлар жуда кўп ва болалар ҳам бемалол бошқара оладилар.

— Рихсинисо опа, сўнгги саволим муаммолар ҳақида...

— Биздаги таълим-тарбия ишлари чакки эмаслигини юқорида таъкидлаб ўтдим. Бироқ бу соҳада жаҳон педагогикасидан ҳам ўрганишимиз керак.

Ёрдамга муҳтож болалар махсус муассасаларни ташкил қилишга имконият бўлмаган жойларда одатдаги мактабларга жалб қилинавериши керак. Компьютерларимиз кам, видео, аудиоаппаратуралар сотиб олишга қўлимиз калталик қилмоқда. Дефектологлар етарли эмас. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти дефектология факультетида маълум йўналишни эгаллайдиган мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Масалан, нутқи яхши ривожланмаганлар, кўзи ожизлар, заиф ва мутлақо эшитмайдиганлар учун алоҳида мутахассислар тайёрланса, истиқболли дефектология дастурига янгича мазмун ва шакллар кириши шубҳасиздир.

— Рихсинисо опа, суҳбатингиз лўнда, мазмунли ва эсда қоларлик бўлди. Бунинг учун сизга раҳмат!

Суҳбатни мухбиримиз Ҳулкар ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

ЭЪЛОН

Урта Чирчиқ туманидаги Усмон Юсупов номидаги 38-ўрта мактаб томонидан 1984 йили Қайрат Умаров номига берилган 342900 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Маърифат» газетаси таҳририяти «Адолат» газетаси бош муҳаррири Тўхтамурод Тошева волидаи муҳтарамаси Норбу ая ИСКАНДАРОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Қурбонбой Матқурбонов.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0202. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456